

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Архитектура назарияси ва тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқукида

МУРОДОВ АЛИШЕР

**ҚАДИМГИ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ “ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИ
ВА УНИНГ АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИКДАГИ
РОЛИ ВА ЎРНИ**

Мутахассислик 5A580102 – “Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура
ёдгорликларини тиклаш”

Архитектура магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
№ ____ баённома _____ 2009 й.
“Архитектура назарияси ва тарихи”
кафедрасининг мудири А.С.УРАЛОВ

“ _____ ” 2009 й.

Илмий раҳбари: арх.ф.д.,проф.
_____ А.С.УРАЛОВ
Илмий маслаҳатчи:
Самарқанд вилояти архитектура ва
қурилиш бош бошқармаси
бошлиғи муовини
_____ Ш.ТЎРАҚУЛОВ

САМАРҚАНД – 2009



“Чор унсур” таълимотига асосланган “Чор устун” композициясининг замонавий меъморчилик объектида қўлланилиши. Тошкент шаҳридага Қатағон қурбонлари хиёбонида қурилган мемориал иншоот

МУНДАРИЖА

бет

Кириш_____4

I-БОБ. ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИГИ НАЗАРИЯСИ ВА “ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИ ХАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Ўрта Осиё ўрта асрлар меъморчилигининг назарий асослари_____13

1.2. “Чор унсур” тушунчаси ва унинг мазмуни_____18

1.3. “Чор унсур” таълимотига хос уйғунлик_____20

I-Боб хулосаси_____24

II-БОБ. “ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИНИНГ ШАРҚ МЕЪМОРЛАРИ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ МЕЪМОРЧИЛИКДАГИ РОЛИ ВА ЎРНИ

2.1. Чор унсур таълимотига асосланган фуқоровий иморатлар (чор-устун, чортоқ, чордара, чорсу)_____25

2.2. Ўрта Осиё меъморчилигида “Чортоқ” композицияси ва унинг трансформацияси_____33

2.3. Чор унсур таълимотининг тасвирий санъатда акс эттирилиши ____39

II-Боб хулосаси_____43

III-БОБ. “ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИНИНГ ШАХАРСОЗЛИК САНЪАТИ ВА АМАЛИЁТИДА АКС ЭТИШИ

3.1. “Чор унсур” таълимотининг шаҳарсозлик санъати шаклланиши ва ривожига таъсири_____45

3.2. “Чор унсур” таълимотига асосланган боғ-истирохатчилик санъати (чорбоғ, чорвоғ, чорчаман, чорховуз)_____55

III-Боб хулосаси_____60

ХУЛОСА: ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР_____62

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати_____66

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблигини асослаш. Қадимий маданият макони бўлган Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашиши, табиати ва иқлими ушбу минтақада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аввалроқ бошланишини таъминлади ва Шарқ билан Ғарбни Месопотамия, Эрон, Миср, кейинчалик Юнонистон ва Римни Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи, турли халқлар маданиятининг чатишувини таъминловчи халқа вазифасини ўтади. Марказий Осиёга хос бўлган юқоридаги хусусият айни вақтда кўплаб халқлар диққатини ўзига жалб қилиб унинг қайта-қайта забот этилишига сабаб бўлди.

Марказий Осиё мамлакатларида олиб борилган археологик қазилмалар, айниқса, сўнгги йилларда топилган топилмалар ватанимизда эрадан кўп минг йиллар аввал одамлар яшаганини, шаҳарлар барпо этилганини кўрсатди.

Қадимий маданий марказлар асосан Бактрия, Парфия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Фарғона атрофларида жойлашган бўлган. Илк бор шаҳарлар Олтинтепа, Сополлитепа, Номогохтепа, Бактра, Насоим, Самарқанд, Киропол, Мевр ва бошқа вилоятлар вужудида юзага келган [9, б. 12].

Қадимги Грек фани ва фалсафаси марказий Грецияда эмас, балки Кичик Осиёда, Ионияда йирик порт шаҳри Милетда шаклланган. Милет шаҳри географик жиҳатдан қулай жойлашган бўлганлиги сабабли бу ерда савдо, ҳунармандчилик бошқа жойларга нисбатан эрта ва кенг шаклланган унинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириш Милетда амалга ошган. Агар яқин вақтларгача Милет фани, фалсафаси Яқин Шарқ маданияти таъсири остида шаклланган, деган фикр ҳукмрон бўлган бўлса, сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар унга тузаташ киритиб, асосий таъсир VII-VI асрдаёқ Шарқда шаклланган зардуштийлик дини томонидан бўлган, деган тезисни олға сурмокда. Ҳақиқатат Милет Ассирия устидан ғалаба қозонган Мидия билан яқин алоқада бўлган ва, табиийки, бу мамлактда тарқалган зардуштийликдан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Айниқса, космология ва

космогония соҳасида милетликлар мисрлик ва бобилликларнинг абстракт фаразларига эмас, балки зардуштийликнинг муайян тизимга солинган илми нузумига амал қилганлар. Кир Иония шаҳарларини босиб олгач, Милетни Эронга қарам қилган, лекин ўзини идора этувчи эркин шаҳар ҳолича қолдирган [21,б.42].

Зардуштийлик таълимотига кўра Ахура Мазда яратган олти маъбуд Амэша-Спэнта (яъни “мангу авлиёлар”) қуйидагилардир – Воху-Мана (Яхши ният), Аша-Ваҳишта (Ўта адолатлилик), Спэна-Армаити (Диёнатли авлиёлик), Хшатра-Ваирйа (Орзу этилган қудрат, ирода), Хаурватаг (Яхлитлик) ва Амэрэтаг (мангулик). Уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг эманацияси ҳисобланади. Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар. Барча борлиқнинг асоси тўрт унсурдан, яни Чорунсур-сув, ер, олов, ҳаводан тузилганлиги ҳақидаги таълимот ҳам зардуштийликнинг айнан ана шу Амэша-Спэнта таълимоти таъсири остида шаклланган ва унда Шарқ фалсафасининг таъсири бор. Чор унсур фалсафасининг ёйилиши, яъни дунё минтақалари бўйлаб тарқалиш географияси кенг ва дунёга сингдирилганки, Шарқу-Ғарб, Шимолу-Жануб ерлари ва цивилизациялари бу фалсафадан мустасно эмас. У ўзига турли даврларда ва турли мамлакатларда турлича кўриниш ва шакллар, ранг-баранг мазмун ва моҳиятлар кашф этган: бу таълимот бир жойда “четыре стихия” шаклини олса, бошқа жойда “чорунсур” кўринишини олган.

“Чор унсур” фалсафасининг келиб чиқиши Ўрта Шарқда зардуштийлар давридан анча аввал, яъни “протозоастризм” давридаёқ (эрамизгача II-III минг йиллар олдин) вужудга келганлиги кўп олимлар томонидан қайд қилинади (бу ўринда зардуштийларнинг “ҳар бир жонзод ва ўсимликда қуёш заррачаси бор” деган ғоясини эслайлик).

Қадимги Римда кенг тарқалган “Биз, эллинлар, варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз” афоризмида Шарқ халқларининг инсоният маданияти

пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссасининг Ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган.

Хеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган, ўз ҳолича ривожланган эмас, акс ҳолда ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган бўлар эди. Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масофаларни от-уловда босиб ўтиши анча мушкул бўлган вақтларда аجدодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилганлар. Ипак йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтиши ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг эрта ва кенг ривожланишига олиб келган. Аجدодларимиз шунчалик ишчан ва уддабуро бўлганки, ҳатто Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, ватанимиз вакиллариини жалб этганлар [21,б.43].

Узоқ ўтмишда Марказий Осиёда яшаган халқларнинг ёзувлари – хоразм ёзуви, парфия ёзуви, сўғд ёзуви, грек-бактрия ёзуви, қадимги туркий ёзув бўлса-да, бизгача уларнинг йирик намуналари сақланиб қолмаган. Ҳато зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг фақат учдан бир қисмигина бизгача етиб келган. Ватанимизнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги асосий маълумотларни археология топилмалари, Яқин Шарқ мамлакатларида қадимда яшаган халқлардан қолган ёзма ёдгорликлар, қадимий Греция ва Рим муаллифларининг асарларидан топамиз. Бу ўринда Ҳеродот, Ктесий, Страбон, Аррриан, Диодор ва бошқаларнинг асарлари беқиёс қимматлидир.

Афсуски, ҳалигача халқларимизнинг узоқ ўтмишини, уларнинг умуминсоний маданият ривожига қандай ҳисса қўшганини ёритувчи асарлар кам яратилмоқда.

Мустақиллик элга, юртга ўзлигини, имону эътиқодини қайтариб берди. Ватанимиз мустақиллик туфайли ўз тақдирини қўлига олди. Адолатнинг қон таналарига ҳаёт югурди. Бу йўлда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг кўрсатган жасорати беқиёсдир.

Собиқ Иттифоқ давридаги истибдод мафкураси, занжирбанд сиёсат туфайли атайин бузиб кўрсатилган, миллий қадриятларимиз, тарихий

меросимиз саҳифаларини, моддий маданиятимиз асосларини холис, ҳалол ва бирламчи манбалардан ўрганиш, ёритиш ва тарғиб этиш имкониятларига эга бўлдик. Президентимизнинг “Ўзбекистон тарихий обидалар ва табаррук кадамжоларни санаб адоғига етиш қийин булган мамалакатдир. Уларни объектив равишда илмий ўрганиш учун тинимсиз тадқиқотлар олиб бориш керак”¹, деб таъкидлагани миллий тарихимизга муносабатнинг тубдан ўзгариш жараёнига олиб келди, тарихчи тадқиқотчилар сафига ёш авлод вакиллариининг кириб келишига ҳам кенг имконият яратди.

Биз тадқиқотимиз учун танлаган мазкур мавзу бой миллий маданий меросимизнинг, архитектура тарихи ва назариясининг кам ўрганилган қирраларини ўз ичига олади ва келгусида амалга оширилажак тадқиқотлар учун муҳим туртки бўлиб уларга хизмат қилади деган умиддамиз.

Шунинг учун ҳам қадимий “Чор унсур” таълимоти Ўрта Осиё халқларининг узоқ ўтмиши, диний эътиқоди, маънавий-руҳий ҳаёти, анъаналари, меъморий урф-одатлари тўғрисида маълумот берувчи бирламчи манбалардан биридир. Ватанимиз тарихининг йирик масалаларига оид тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилаётган бир пайтда миллий меъморчилигимиз тарихи ва у билан боглик назарий масалаларни ўрганиш тадқиқотчиларимиз назаридан четга қолиб келмокда. Ушбу таълимотни ўрганиш, уни тадқиқ қилиш ва бу таълимотнинг ўтмишдаги бунёдкорлик ишларида қандай роли ва ўрни бўлганлигини аниқлаш ва шу асосда замонавий миллий меъморчилигимизнинг ривожига туртки берувчи янги назарий ва амалий имкониятларни қидириш ва илмий асослаб беришни бугунги кун архитектурашунослик фанининг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мазкур мавзу Ўзбекистон архитектурашунослик фанида деярли ўрганилмаган. Шарқ халқларининг

¹ Каримов И. Амир Темура ҳақида сўз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996 йил, 6-бет.

“Чор унсур” таълимоти ҳақидаги илк бор тушунчалари эрамиздан олдинги VI-асрда диний фалсафий асар “Авесто” да келтирилган бўлиб, унда ер юзидаги бутун борлиқ ва тирик жонзодлар чор унсурдан, яъни тупроқ, сув, нур ва ҳавонинг майян даражадаги қўшилишидан келиб чиққан деб ўқтирилган [19,б.36].

Шарқ адабиётидаги “Чор унсур”га бағишланган илк тўлиқ асар Мирзо Бедилнинг (XVII-XVIII асрлар) айнан шу ном, яъни “Чор унсур” деб номланган тарихий фалсафий асаридир. Бу асар Ҳиндистонда яратилган бўлиб, кейинчалик Шарқ мамалакатларининг бошқа давлатларига ҳам кенг тарқалган.

Бобокалонимиз Форобий (IX-X асрлар) эса “Авесто” да келтирилган маълумотларга асосланиб Мирзо Бедилга қадар ўзининг “Илмларининг келиб чиқиши” номли асарида ердаги барча нарсалар тупроқ, сув, олов ва ҳавонинг турли миқдорда аралашувидан, осмон жисмларини ҳам алоҳида, мустақил нарса деб эмас, балки шу тўрт унсурдан ташкил топади деган фикрни билдирган [7,б.46].

Собиқ Иттифоқ даврида “Чор унсур” таълимотига бўлган эътибор сусайди, у диний таълимот деб қораланди. Фақат Мустақиллик йилларига келиб бу таълимот ҳақида янги изланиш бошланди. Бу даврга келиб “Чор унсур” га эътибор берган ва уни илк бор ўрганган олимлардан бири Икромиддин Сирожиддиновдир. У ўзининг “Чор унсур фалсафаси” деб номланган мақоласида ушбу таълимот ҳақида яхши мантиқий фикрларни баён қилган. И. Сирожиддинов ўзининг бошқа бир мақоласида Чор унсурнинг табобат соҳасидаги роли ва ўрни ҳақида қизиқарли мулоҳазаларни келтирган [19,б.20].

Мамлакатимиздаги истиқлол йилларида пайдо бўлган саноат объектлари, ўтказиш кўприклари, истироҳат масканлари, зиёратгоҳлар, янги масжидлар, хотира ёдгорликлари ва бошқа меъмориал мажмуалар, бозор ва меҳмонхоналар, банк, колледж ва лицейлар, турар жой биноларининг барчасини албатта, бирма-бир санаб чиқишнинг иложи йўқ. Ҳаттоки

уларнинг турларини айтиб ўтишнинг ўзи ҳам анчагина меҳнат талаб қилади. Олимларимиз олдида мана шу янги меъморий ютуқларимизнинг янгиланиш қонуниятларини чуқур илмий мушоҳада этиб чиқиш масаласи турибди. Чунки, сўнги йилларда бунёд этилган иншоотларнинг аксарияти илгари қурилганларига ўхшамайди ва турлича бадиий воситаларда бажарилганлиги туфайли кишини турлича мушоҳадаларга олиб келмоқда.

Мазкур илмий йўналишда ҳеч нарса ёзилмаган деб бўлмайди. Академик Г.А.Пугаченкова, профессор Ш.Ж. Асқаров, Д.В.Латипов, Т.Ф.Қодирова ва бошқалар меъморчилигимизда юзага келган янги йўналиш ҳақида ўз фикрларини билдиришган. Бироқ уларнинг мақолаларида меъморчиликнинг ғоявий ва мафкуравий ифодасини кўрсатувчи фикрлар ўз аксини топмаган.

Ўздавархқурилиш қўмитасининг 2000 йилда ўтказган “Ўзбекистон меъморчилиги мустақиллик йилларида” энг яхши меъморий асарлар танлови ҳамда меъморлар уюшмаси ўтказган “Термиздаги музей лойихаси” номли кўрик танлови ва сўнги йилларда қурилиши амалга ошган иншоотлар таҳлили шуни кўрсатдики, унинг ғоявий асосларини шакллантириш икки манба асосида амалга оширилмоқда. Биринчиси: кўзга кўринган меъморларимизнинг Республикамиз Президентни И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида монументал меъморий иншоотларни лойиҳалаш ва бунёд этиш; иккинчи эса – Президентимиз кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ эта бориб жойлардаги маҳаллий меъморларимиз ва раҳбар ходимлар ташаббускорлигида шаклланаётган меъморий анъаналардир. Ана шундай анъаналардан бири “Чор унсур” таълимотига асосланган меъморий шакллар ва композицияларни амалиётга жорий қилиб замонавий меъморчиликда миллий хусусиятларини шакллантиришга эришишдир. Чор унсур таълимотини архитектура ва шаҳарсозлик амалиёти билан боғлаб ўрганган биринчи олим менинг устозим, профессор А.С.Ураловдир. У ўзининг бу масалага бағишланган бир нечта мақолаларини СамДАҚИ нинг “Бунёдкор” газетасида, шунингдек институтнинг илмий тўпламлари ва журналарида ҳамда

“Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш” номли китобида баён қилган [24].

Бироқ, мазкур мавзу шу чоққача Ўзбекистон архитектура фани тарихида архитектура назариясининг ушбу таълимот билан боғлиқ қирраларини очиб беришга қаратилган алоҳида магистрлик диссертацияси тарзида кун тартибига қўйилмаган эди. Шундай қилиб “Чор унсур” таълимоти ва унинг меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳаси билан боғлиқлиги туғрисидаги илмий фалсафий маълумотлар баъзи китоб ва илмий мақолаларда учрасада, лекин бу маълумотлар ҳали тўла илмий муомалага тортилмаган ва муайян илмий тизимга солиб тадқиқ қилинмаган. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини исботловчи ва тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифаларини асослашга ёрдам берувчи муҳим имкониятдир.

Диссертациянинг мақсади. Тарихий ва илмий адабиётлар, ҳамда бизгача сақланган меъморий ва археологик, шаҳарсозлик ёдгорликлари асосида Қадимги Шарқ халқларига хос “Чор унсур” таълимотини ўрганиш ва унинг Ўзбекистон архитектура ва шаҳарсозлик амалиётидаги роли ва ўрнига илмий баҳо беришдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертант олдида куйидаги илмий вазифалар қўйилган:

- Шарқ меъморчилиги назарияси ва чор унсур таълимоти ҳақидаги умумий маълумотларни ўрганиш;
- Чор унсур таълимотининг Шарқ меъморлари ижодига таъсири ва унинг меъморчиликдаги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш;
- Чор унсур таълимотининг шаҳарсозлик санъати ва амалиётида ҳамда тасвирий санъатда акс эттирилишини ўрганиш;
- Чор унсур таълимотини замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик амалиётига жорий қилиш бўйича илмий назарий тақлиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш;

Илмий ишнинг янгилиги. Ҳозирга қадар Шарқ халқларининг улкан таълимоти-“Чор унсур” илмий нуқтаи назардан чуқур ўрганилмаган. Ушбу таълимотнинг Шарқ мамлакатлари архитектураси ва шаҳарсозлиги ривожига кўрсатган таъсири қисман илмий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлсада, унинг мазмун ва моҳияти кенг очиб берилмаган. Мазкур диссертацияда ушбу муаммо илк бор бажарилган ва илмий асослаб берилган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Чор унсур таълимотини чуқур ўрганиш ва унинг Шарқ халқлари меъморчилиги ва шаҳарсозлигига таъсирини илмий тадқиқ ва таҳлил қилиш. Бизгача сақланган меъморий ва археологик ёдгорликлар, шаҳарсозлик намуналари тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистон архитектурашунослик фанида ушбу муаммо илк бор ўрганилди, у магистрлик диссертацияси тарзида ва ҳажмида қараб чиқилиб, тегишли илмий хулоса ва амалий назарий таклифлар ишлаб чиқилди.

Натижада ушбу илмий муаммони янада кенгрок, яъни Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ўрта Осиё республикалари ҳамда Афғонистон, Эрон, Ироқ, Покистон ва Ҳиндистон каби ислом мамлакатлари мисолида тадқиқ қилишга ва мавзунинг илмий самара ва натижаларини янада такомиллаштиришга яхши имкон туғдирди. Диссертация натижалари ҳозирги замонавий архитектурамиз тараққиётининг миллий назарий асосларини ишлаб чиқишга ва тўлдиришга ёрлам беради деган умиддамиз.

Тадқиқот услуби эса диссертация мақсадида кўрсатганимиздек, “Чор унсур” таълимоти ҳақида мавжуд тарихий манбалар, махсус илмий адабиётларни ўрганиш ҳамда ўтмишдан бизгача сақланган шарқона миллий меъморий ва археологик ёдгорликлар асосида муаммони ҳар томонлама чуқур ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилишдир. Тадқиқотда илмий умумлаштириш, яхлитлаш ва графоаналитик таққослаш, фотофиксация услубларидан ҳам фойдаланилган.

Илмий ишлар апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича институт илмий журналида 2 та илмий мақола, раҳбарим билан ҳамкорликда chop этилган ва 2009 йил СамДАҚИ ёш олимлари, аспирант ва магистрлар, иқтидорли талабалар илмий конференциясида 1 та маъруза қилинган.

Диссертация таркиби мундарижа, кириш, 3 та боб, якуний хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва графоаналитик иллюстратив материаллардан ташкил топиб, жами _____ бетдан иборат. Диссертацияга _____ та расм ва _____ та адабиётлар сони киритилган.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мавзунинг ўрганилиш ҳолати, тадқиқот мақсади ва вазифалари, илмий ишнинг янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот услуби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг I-боби Шарқ меъморчилигининг назарий асослари ва Чор унсур таълимоти ҳақидаги умумий маълумотларни ҳамда Чор унсур таълимотининг мазмун моҳияти ва унга хос бўлган уйғунлик қонуниятларини ўрганишга бағишланган.

Диссертациянинг II-боби “Чор унсур таълимотининг Шарқ меъморлари ижодига таъсири ва унинг меъморчиликда ўрни ва роли” деб аталиб, унда Чор унсур таълимотига асосланган фуқаровий иморатлар (чор устун, чортоқ, чордара, чорсу) ва Ўрта Осиё меъморчилигида анъанавий тус олган Чортоқ композицияси ва унинг трансформацияси масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг III- якуний боби Чор унсур таълимотининг шаҳарсозлик санъати ва амалиётида акс эттирилишига бағишланган бўлиб, унда Чор унсур таълимотининг шаҳарсозлик санъати шаклланиши ва ривожига таъсири ҳамда Чор унсур таълимотига асосланган боғ-истироҳатчилик санъати масалалари таҳлил этилган.

Хулоса қисмида тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган илмий-назарий таклифлар берилган.

I-БОБ

ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИГИ НАЗАРИЯСИ ВА “ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИ ХАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Ўрта Осиё ўрта асрлар меъморчилигининг назарий асослари

Ўрта Осиёда фанлар тарихини ўрганиш соҳасидаги ютуқлар талайгина. Бироқ, XX асрнинг 60-йилларига қадар меъморшунослик фанига ўзларининг хиссаларини қўшган Ўрта Шарқ мамлакатларида яшаб ижод этган ўрта аср олимларининг меъморчиликка доир асрлари фанга маълум эмас эди. Бу эса ўз навбатида, Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг ўтмишда назарий асослари бўлганми ёки йўқми? деган саволни келтириб чиқарган эди. Аксарият Ғарб олимлари бу саволга жавоб излаб нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқ мамлакатлари архитектурасининг ҳам назарий асослари бўлмаган, деган фикрга келиб қолган эдилар[9. -23 б].

Бироқ бу тушунчага ўрта аср Шарқ олимларининг ишлари ўрганилгач, чек қўйилди. Биз қўйида ана шундай тарихий манбаларнинг айримларига тўхтаб ўтамиз.

Бизга маълум бўлган қомусий асарлар орасида XV асрда яшаб, асилзодалар авлодига мансуб бўлган катта амалдорлардан бири Вожид Алининг “Матла ул-улум ва мажма ул-фунун” (“Фаннинг келиб чиқиши ва техника билимларининг тўплами”) номли асари муҳим аҳамиятга моликдир. Китобнинг 31-бобидаги меъморлар санъати қисмида иморат қуришнинг қўйидаги 14 моддадан иборат қоидалари берилган [5.- 42 б]:

1. Қурилиш учун жой танлаш (1-модда). Ер қатлами зич ва қаттиқ бўлиши керак, лекин асло қумлик ва таги бўш бўлмаслиги лозим.

2. Ер майдони (4, 10-моддалар). Ер майдони тўғри чизиқли бўлиши керак. Агарда уй қурилиши кўзда тутилаётган ер майдони учбурчак шаклида бўлса, иморатни шундай жойлаштириш керакки, ҳовли тўғри бурчак шаклини олсин. Учбурчак ромб ва параллелограмм шакллари хунук кўриниб,

дидга мос эмас. Номувофиқ қисмларини бартараф қилган ҳолда квадрат, тўғри бурчакли, олти бурчакли ёки саккиз бурчакли ҳовлига эга бўлиши мумкин .

3. Пойдевор (2-модда). Бино пойдеворининг кенглиги ва чуқурлиги унинг катта –кичиклигига муносиб бўлиши керак. Агар иморат бир қаватлик бўлиб, унчалик катта бўлмаса, пойдеворнинг эни 1 ёки 1,5 газ чуқурлиги эса шунга муносиб бўлиши лозим. Агарда иморатнинг баланд бўлиши 2 ёки 3 қаватга кутарилиши кўзда тутилса, унинг пойдеворини шунга муносиб бўлиши ҳисобга олиниши керак. Бу ҳолда ғиштларни шундай териш керакки, бино пойдеворига сув киришнинг барча ҳолларидан мустасно бўлсин.

4. Иморат курсиси (13-модда). Бино курсиси баланд бўлиши керак. Шунда бино ҳашаматли ва салобатли кўринишга эга бўлади.

5. Деворлар ҳақида (8-9- моддалар). Бино деворининг эни пойдевори энидан камроқ бўлади. Биринчи қаватнинг охиригача девор қалинлиги бир хилда қолса иккинчи қават деворларининг қалинлиги пастки қаватдаги деворга нисбатан озроқ камайтиради. Бунда девор қалинлигини камайтириш усули кейинги қаватга кўтарилган сари ортиб боради. Девор бурчакларини шундай бириктириш керакки, токи ундан ғишт бирикмаларида ҳосил бўлган излар кўринмасин (1-расм).

6. Устини ёпиш (7-14- моддалар). Иморат шипидаги тўсинлар сони тоқ бўлиши керак, чунки жуфт сон ёмон белги деб ҳисобланган . Иморат томи мустаҳкам ва сув ўтказмайдиган бўлиши керак.

7. Иморат режаси ва мутаносиблиги (3-5-6-12-моддалар). Хонанинг баландлиги унинг кенглигига мувофиқ тушиши керак. Масалан агар йўлак ёки ёпилган йўлнинг кенглиги 4 газга тенг бўлса унинг гумбази ёки томонининг баландлиги кўпроқ бўлиши керак. Акс ҳолда номутаносиблик вужудга келади ва бинонинг кўриниши ёмон таасуротга эга бўлади .Хонанинг йўналиши қайси томонга қараган бўлишига қарамасдан, бўйи энига қараганда кенг бўлиши керак. Иморатнинг ташқи дарвозасини ҳовли –



1-расм. Бибихоним масжидининг курилиши. Расм юқорисидаги бош меъмор қўлида бино макети кўрсатилган. “Зафарнома”га ишланган минатюралардан олинган

нинг бўйига нисбатан паралель жойлашган деворига қуриш керак, шунингдек, дарвозанинг олд томонини жанубга қаратмаслик керак, бу гуёки бахтсизликларни тўсолмас эмиш. Ёпиқ йўллардаги дарвозаларни кенг ва баланд қилиб қуриш керак. Иморатга кириш учун қурилган асосий дарвозани эса ички эшикларга нисбатан кенг ва баланд қилиш керак, чунки иморатнинг қадир-қиймати, асосан ,ташқи дарвозанинг гўзаллиги ва салобатида намоён бўлади .Паст дарвоза ҳаддан ташқари ёмон таассурот қолдиради .

8. Шамоллатиш (1- модда). Хонанинг ички қисмини ҳаво бемалол кириб-чиқиб турадиган қилиш керак . Хонанинг бундай энг муҳим сифатини бузиш , ҳар хил буғланишларнинг алмашинувига олиб келиб , турли касалликларга сабаб бўладиган буғуқ ҳаво ҳосил қилади ва ҳоказо .

Бу қоидалар мазкур диссертацияда бир мунча умумлаштирилиб берилишига қарамасдан , ўтмишда ҳам ҳар ҳолда иморат қуришдан олдин уни ҳар тарафлама муҳитга ва қурилаётган жойга мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш ва ҳисоблаш ишлари олиб борилганлигидан далолат беради.

Шарқнинг таниқли қомусий олими ва муҳандиси Ёқуб ибн Исҳоқ ал Кинди (801-866) уйғунлик хусусида махсус асар ёзади ва уни “Уйғунлик ҳақидаги катта китоб” деб номлайди . Ал – Кинди уйғунликка изоҳ берар экан, у “муносабатларни ўрганишдан ва бир сонни бошқасига айлантиришдан, мутаносиблик ва номутаносибликни фарқлашдан иборатдир” деб тушинтиради [26. -97 б].

Машҳур Шарқ файласуфи Абу Наср Фаробийнинг X асрда ёзган “Геометрик шаклларнинг нафислиги ҳақидаги маънавий гўзал усуллар ва табиий сирлар китоби” меъморларда катта қизиқиш уйғотди. Унда Фаробий энг яхши мутаносибликлар ҳақидаги ижодий изланишларни, гўзал нисбатларда қараб чиққан ва санъат асарларининг ҳандасавий уйғунлиги билан боғлиқ бўлган гўзаллик сирларини очиб берган. Фаробийнинг ушбу асарини рус тилига таржима қилган олимлар бу асарни Абул Вафо Бузжонийнинг Фаробийдан кейин ёзган “Ўнарсмандларга ҳандасавий ясамалардан нималар зарурлиги ҳақида”ги китобига деярли тўлиқ мос келишини айтиб ўтган. Ушбу китоб муқаддима ва ўн бобдан иборат бўлиб, уларда геометрик шакллар ва уларнинг ясалиш услублари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, етти бурчакларни таркибий қуриш, кўпбурчакларни шаклнинг берилган томони ва бошқа параметрлари бўйича яшаш; айлана ичига тенг томонли учбурчак, квадрат, беш, олти, етти, тўққиз ва ўн икки бурчакларни чизишга асосланган ясалишлар ҳамда ҳандасавий қуриш бўйича бошқа зарур маълумотлар келтирилган. Фаробий ўзининг

“фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида”ги рисоласида “шаҳарни ҳам, уйни ҳам инсон қамотига таққослаш зарур” деб ёзади [6.- 34 б]. Бу билан олим фозил шаҳарнинг соф инсон қамотига ҳамоҳанг ва мос тарзда қурилишини орзу қилади. Унинг фикрича, “гўзаллик ва фойдалиликни бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларнинг қўшилиши эса уйғунликка олиб келади [6.- 35 б].

Маълумки, Шарқда нафақат бинокорлик санъати, балки боғ-истироҳатчилик ҳам кенг ривож топган. Хиротлик Розил Херавий XVI асрда агротехника ва меъморий боғларни яратиш бўйича саккиз бобдан иборат ажойиб асар ёзди. Унинг саккизинчи боби “Дарахтларни боғ режасига мослаб экиш ҳақида” деб аталиб, унда боғларни мунтазам режа асосида тўғри бурчакли бўлишлиги, уфқ томонларига ориентацияланиши, боғ девор билан айлантирилган ва периметри бўйлаб тўғри қатор толлар экилишига кўрсатма берилган [17.- 89 б]. Бош хиёбоннинг боғ саройига туташтирилиши зарур. Боғ ҳудудини тежамли суғориш ва боғ ичига сув олиб кириш, хиёбонлар бўйлаб ариқ ўтказиш, сарой (кўшк) олдида ҳовуз бунёд этиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Боғ атрофи ички тарафидан ариқ билан айлантирилиши зарур бўлган.

Боғ экинлари учун манзарали ва мевали дарахтлар тақлиф этилган. Гуллар турини танлаш масаласи шундай ечилганки , токи боғда гуллар эрта баҳордан то кеч кузгача узлуксиз очилиб турсин [8.-74 б] .

Меъморлар ва боғбонлар учун нафақат ана шундай рисоалар ёзилган , балки X-XV асрларда меъморлар томонидан тайёрланган чизмалар, “намунавий” лойиҳа ўрамлари ҳатто махсус мураққаъ (альбом)лар ҳам мавжуд бўлган . Илк бор Н.Б .Бакланов томонидан ўрганилиб нашр этилган XVI аср Бухоро меъморининг чизмалари фикримизнинг далилидир . Унда Г.А. Пугаченкова айтганидек, хонақоҳ, сардоба, карвон сарой ва рабобларнинг бир неча намунавий лойиҳалари, шунингдек, ғиштор безаклар, гириҳлар ва муқарнасларнинг чизмалари ҳам акс эттирилган [18.-67 б] .

Хуллас, шуни таъкидлаш зарурки, ўрта асрдаги Ўрта Осиё меъморчилиги ва бизгача сақланиб қолган тарихий ёдгорликларнинг қурилиши ўзининг чуқур назарий асосларига эга бўлган ва бу назарий билимлар ўрта аср муаллимлари томонидан ёзиб қолдирилган асарларда бизгача етиб келган. Бу асарларни ўрганишда замондош меъморлар, олимларимиз М.С.Булатов, Г.А.Пугаченкова, П.Ш. Зоҳидов, М.К.Ахмедов ва А.С. Ураловларнинг хизмати катта. Шундай экан бу улкан меросдан замонавий “Архитектура” таълими тизимида унумли фойдаланганимизнинг бўлғуси меъморларни касбга ўргатишимизда бундай назариядан уларни ҳам хабардор қилишимиз фойдадан холи иш эмасдир.

1.2. “Чор унсур” тушунчаси ва унинг мазмуни

Жаҳон халқларини ўз фалсафаси, дини, эътиқоди, удум ва анъаналари, тили билан бойитиб келган Ўрта Осиё халқларининг нафосат дунёси ва маънавияти ҳам кўп қирралидир. Бу қирраларнинг бири ўрганилган, бошқаси эса энди ўрганилмоқда. Шарқ халқлари тафаккурига мансуб муқаддас “Чор унсур” фалсафаси ҳам ана шундай азалий маънавият маҳсулидир. Унинг ёши Авестога ва ундан ҳам олдинги узоқ қадимий даврларга тўғри келади. Авесто таълимоти ҳам “Чор унсур” фалсафаси билан суғорилган. Авестога асосланган зардуштийлик дини эса дунёдаги динлар орасидаги энг қадимгиси ҳисобланиб, инсоният тараққиётига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир кўрсатган. Бу таълимот Ғарб давлатларига кенг тарқалиб, юнонча “зороастризм” тарзида зикр этилган. Демак “Чор унсур” фалсафаси ушбу дин орқали Ғарб давлатларига тарқалган.

“Чор унсур” жамики фанларнинг асоси, Авесто ва жаҳоний динларнинг пойдевори, Ислом фалсафаси ва Шарқ халқлари имон-эътиқодининг мазмуни ҳисобланган. “Чор унсур” ҳақида китоблар ёзилган. Улардан бири Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644-1721) айнан шу номдаги асари – “Чор унсур” дир [19.-23 б].

Бедилнинг ёзишича, ҳали Авесто дунёга келмасдан бурун бутун шарқ халқлари, хусусан Ўрта Осиёлик аجدодларимиз бутун борлиқ ва тирик жонзодларни чор унсурдан, яъни –тупроқ (хок), сув (об), нур (нор), ҳаво (бод) каби яралганларнинг қўшилишидан яратилган деб билганлар [19.-37 б].

Абу Наср Фаробий (IX-X асрларда) ҳам ўзининг “Илмларнинг келиб чиқиши” асарида ердага барча нарсалар тупроқ, сув, олов ҳавонинг турли миқдорда қўшилишидан ташкил топади, осмон жисмларини ҳам алоҳида, мустақил нарсалар деб эмас, шу тўрт унсурдан таркиб топади, дейди [7. -42 б]. Материкнинг турли минтақаларида ана шундай тўрт унсурнинг миқдори турлича бўлишлиги ушбу минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳам, ҳайвонот ва наботот оламини ҳам, инсонларнинг яшаш турмуши, мижози ва урф одатларини ҳам турли туман қилиб юборган.

Демак, “Чор унсур”ни бутун оламнинг моддий асоси, оламдаги барча ўзгаришлар ва ҳаракатларни эса ушбу тўрт унсурнинг ўзаро турлича бирикувидан вужудга келган воқелиқдир, деб тушуниш мумкин. Чор унсур таълимотининг моҳияти эса ушбу тўрт унсурнинг бирикуви, ўзаро таъсирида ва яхлитлигида муайян қонуниятларнинг ётиши ва уларнинг ҳам ўз навбатида коинот уйғунлигига боғлиқ эканлигидадир. Зеро чор унсур ана шу уйғунлик бағрида воқедир. Инсон турмуши ва ҳаёти, унинг бунёдкорлик ишларининг асоси ҳам айнан шу уйғунлик ва мутаносибликка алоқадордир.

Шарқ сарзаминида фалсафий мушоҳада кўп минг йиллик тамаддун ҳосиласи ўлароқ, аввалбошдан Миср, Сурия, Ироқ, Марказий Осиё, Ҳинд ва Эрон халқларига хос бўлган. Шарқ цивилизацияда ҳеч қачон дин ва фалсафа бир-биридан ажратилмаган. Фалсафа диний таълимот мағзига жо бўлган. Шунинг учун шарқ халқлари фалсафасини, унинг тамойил ва мезонларини юнон фалсафасига қўлланган ёндошувлар тизимидан келиб чиқиб ўрганиш нотўғри бўлади. Шарқликларнинг дунёвий қарашлари ўша даврлар шароитига мос бўлган кўринишда, содда мулоҳаза, тушунча ва ривоятлардек туюлса-да, рамз ва ишоратларга бой, чуқур маънога эга бўлган. Албатта, мулоҳазалар фалсафа эмас, аммо уларнинг шарҳи фалсафага хос мантикий

ёндошувларга олиб келади. Уларнинг асосида шарқ халқларининг бизга номаълум оламларни тушуниш ва талқин қилиш ҳаракати ётадики, бу ўша даврларнинг фалсафаси эди. Буни биз мистика ёхуд илоҳиёт деб аташга одатланганмиз. Бу илмни ўша тамаддун даражаси ва диний-илоҳий қарашлар тизимини шакллантирган шарқ шароитларидан келиб чиқиб ўрганиш жуда муҳимдир. Зеро, улардаги айрим етакчи ғоялар ер юзининг турли минтақаларида, турли даврларда, турли кўриниш ва шаклларда учрайдиган диний илоҳий назарияларда бир хиллигини кўрамиз.

Веда ҳақиқатларидан суйлаган ва Рухларнинг ўлмаслиги таълимотини ёйган файласуф брахманлар, Худонинг инсонда зуҳр этиш ғоясини тарғиб этган, христианлар, барча фалсафий-диний қарашларни зардўштийлик асосига қўйиб, Нур ва Зулмат манбаларини кўрсатишга ҳаракат қилган монийлик тарафдорлари юқорида зикр этилган даврларда қадимдан яшаб келганлар. Уларнинг қарашлари нафақат бир-бирига таъсир этган, балки бири иккинчисидан озиқланган. Шундай қилиб, қадимда Шарқда шаклланган “Чор унсур” таълимоти Ғарб давлатларида яшовчи халқлар тафаккурига ҳам таъсир қилган [27.- 64 б].

1.3. “Чор унсур” таълимотига хос уйғунлик

Халқимизда Аллоҳ илк инсонни (Одам ота ва Момо ҳавони) лойдан, яъни тупроқдан яратган, сўнгилари эса сувдан яралган деган ибора бор. Қуръони каримнинг “Торик” сураси , 5-7 оятида инсон сувдан яратилгандир , деб айтилган. Дарҳақиқат, соғлом инсон организмида Чор унсур (тупроқ , сув, ҳаво, нур)нинг ўзига хос нисбатдаги уйғун мутаносиблиги мавжудки , буни инкор этиб бўлмайди , Чунки ушбу мутаносиблик бузилса инсон саломатлиги ҳам бузилади. Нафақат инсонлар балки ер юзидаги барча жонзодлар ва моддалар ҳам Чор унсурнинг муайян уйғунликдаги аралашмасидан таркиб топганлар. Табиатга ҳам ана шундай уйғунлик хосдир [23.-76 б].

“Бу дунё бир чархпалак” (чархи ёки гардиши фалак) дейишади халқимиз. “Чор унсур” табиат ва бутун оламнинг даврий ҳаракатини чархпалак сингари айланиб туришини англатган. Йилнинг тўрт фаслини ,яъни буржини Чор унсурнинг ҳаракатидан деб, қуйидагича изоҳлашган:

1. Буржи обий –сувли (ёмғирли) баҳор фасли ;
2. Буржи норий –нурли (самовий оташли) ёз фасли ;
3. Буржи бодий –боди ҳаволи,мезон шамолли,куз фасли;
4. Буржи ҳокий –ўсимлик ва жониворларни чиритиб тупрокқа айлантирувчи қиш фасли [19.- 32 б].

Фалак чархи (бахт ва ҳаёт рамзи)ана шу тўрт фаслга нисбатлаштирилгандир. Йилнинг тўрт фасли давомида қуёш , ой ва юлдузлар ҳаракатини жуда қадим замонлардаёқ билган аجدодларимиз Ўрта Осиёда “шамсий –қуёш тақвимиға”(календарига) асос солганлар. Аждодларимиз ернинг тўрт томони –Жануб, Шимол, Шарқ, Ғарб борлигини қадимдан яхши билишган. Қадимги зардуштийлар эътиқодида ҳам табиатнинг тўрт унсури – қуёш (олов),сув, ер ва ҳаво энг муқаддас ҳисобланган. Беруний ва Ибн Сино каби олимларимизнинг билимларини бойитган шарқ фалсафаси ҳам маълум маънода шу “Чор унсур ”ҳисобланган. Жумладан, қадимий табобат оламида тўрт фаслнинг инсон саломатлигига тўрт хил таъсир қилиши ҳақида айтиб ўтилган. Масалан, баҳорни қон босими касалликлари даври, яън “хун ”даври,



ёзни саратон билан боғлиқ касалликлар, яъни “сафро” ғалаёни фасли дейилса, кузни меъзон шамоли эсиб турадиган рухий касалликлар фасли, яъни “савдо” даври деб ҳисобланган.

Соғлом одам ҳақида эса “Тўрт мучаси соғ”, деб аташган. “Соғ танада соғлом ақл” дейишган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда “Соғлом авлод учун” шиорининг кўйилиши бежиз эмас. Арастунинг инсон мижозини тўртга (халерик, сангвиник, мелонхолик ва флегматик) бўлиши ҳам Чор унсур фалсафасига асосланган бўлса ажаб эмас. Иссиқ ва совуқ мижоздан: иссиқ хўл, иссиқ-қурук, совуқ-хўл, совуқ-қуруқли мижозлар келиб чиққан. Булар табиий иқлим шароитларига ҳам боғлиқ бўлган. Табиий-иқлим шароитлари эса яна ўша чорунсурсга бориб тақалади, чунки бу унсурларнинг ўзаро мувозанати турли ўлкаларда турличадир.


Демак, Чор унсур элементларига хос бўлган уйғунлик бутун олам ва коинот уйғунлигини, бу эса ўз навбатида инсонларнинг турмуш тарзи, ҳаёт ва урф-одатларигача бўлган жиҳатларини, ҳатто йилнинг тўрт фасли ва улардан келиб чиқувчи инсоний мижозларнинг, жойлардаги табиий-иқлим шароитларининг шаклланишига таъсир кўрсатган ва шу маънода жамиятнинг турмуши ва ижтимоий эҳтиёжлари асоси бўлмиш меъморий иморатларнинг қурилишини ўзида акс эттирган (2,3,4- расмлар).

Шундай қилиб, Чор унсур таълимотининг жамиятдаги мавқеи, ўрни ва роли ўта кенг тушуниш даркор. Унинг ҳатто жамият мафкурасини, эстетика ва этикасини шакллантиришда ҳам ўзига хос ўрни бор [23. -42 б].

Маълумки, масжид, мадраса ва бошқа иморатлардаги бадий воситалар ҳам биринчи ўринда жамият мафкурасини акс эттирган. Бу анъаналардан биз миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, Президентимиз айтганларидек “қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб беришда” фойдаланмоғимиз даркор [3.-7 б]. Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва тарғиб этишда бугунги кунда бадий ижодиётдан, шу жумладан монументал санъат, архитектура ва ўтмиш қадриятларидан фойдаланиш учун катта имкониятлар яратилди. XXI аср вабоси ҳисобланган



3-расм. “Чор унсур” таълимотига хос уйғунликка асосланиб чизилган герб нақши



4-расм. “Чор унсур” таълимотига асосланиб квадрат катаклар ичига чизилган гирих ва ислимий нақшлар тасвири.

диний ақидапарастлик, экстримизм, наркомания сингари жирканч ғояларга қарши илғор истиқлол ғояси, жаҳолатга қарши маърифат, халқ ва ёшларни

тўғри йўлдан чалғитишга қаратилган иллатли фикрга қарши миллатни бирлаштирувчи, уни жаҳонга танитувчи илғор фикрни ифодалашда тасвирий санъат, архитектура ва кадриятлардан, шу жумладан “Чор унсур” таълимотида ва унга хос жаҳоний уйғунлик асосларидан янада кенгрок фойдаланиш зарур.

I-Боб хулосаси

1. Шарқ халқлари тафаккурининг маънавий маҳсули бўлмиш “Чор унсур” таълимотининг ёши Авестога ва ундан ҳам олдинги узоқ қадимий даврларга тўғри келади. Авесто таълимоти ҳам “Чор унсур” фалсафаси билан суғорилган. Авестога асосланган зардуштийлик дини эса дунёдаги динлар орасидаги энг қадимгиси ҳисобланиб, инсоният тараққиётига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир кўрсатган.

2. “Чор унсур”ни бутун оламнинг моддий асоси, оламдаги барча ўзгаришлар ва ҳаракатларни эса ушбу тўрт унсурнинг ўзаро турлича бирикувидан вужудга келган воқелиқдир, деб тушуниш мумкин. Чор унсур таълимотининг моҳияти эса ушбу тўрт унсурнинг бирикуви, ўзаро таъсири ва яхлитлигида муайян қонуниятларнинг ётиши ва уларнинг ҳам ўз навбатида коинот уйғунлигига боғлиқ эканлигидадир. Зеро чор унсур ана шу уйғунлик бағрида воқедир. Инсон турмуши ва ҳаёти, унинг бунёдкорлик ишларининг асоси ҳам айнан шу уйғунлик ва мутаносибликка алоқадордир.

3. Чор унсур элементларига хос бўлган уйғунлик бутун олам ва коинот уйғунлигини, бу эса ўз навбатида инсонларнинг турмуш тарзи, ҳаёт ва урф-одатларига ҳам бўлган жиҳатларини, ҳатто йилнинг тўрт фасли ва улардан келиб чиқувчи инсоний мижозларнинг, жойлардаги табиий-иқлим шароитларининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатган ва шу маънода жамият турмуши ва ижтимоий эҳтиёжларининг асоси бўлмиш меъморий иморатларнинг қурилишини ўзида акс эттирган.

Шунинг учун ҳам Чор унсур таълимотининг жамиятдаги мавқеи, ўрни ва ролини ўта кенг тарзда тушуниш зарур. Унинг ҳатто жамият мафқураси, эстетика ва этикасини шакллантиришда ҳам ўзига хос ўрни бор.


II-БОБ

“ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИНИНГ ШАРҚ МЕЪМОРЛАРИ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ МЕЪМОРЧИЛИКДАГИ РОЛИ ВА ЎРНИ

2.1. Чор унсур таълимотига асосланган фуқаровий иморатлар (чорустун, чортоқ, чордара, чорсу)

Шаклланиши “Чорунсур” таълимотига асосланган фуқаровий меъморий иморатлар қаторига чорустун, чортоқ, чордара ва чорсулар киради.

“Чорсу” форсча сўз бўлиб чор-тўрт, суқ-бозор; чорраҳадаги бозор жой маъносини беради. Ҳозирда Чорсу деганда 2 хил тушунча англашилади. Улардан биринчиси тарихий шаҳарларнинг чорраҳаларида жойлашган, одатда, усти ёпиқ бўлган савдо-сотик жойи; аксари чорсулар шаҳарнинг ўртасида қурилиб, тархий-режавий ечими бўйича марказий мужассамотга ва симметрик композицияга эга бўлган; иккинчиси бу умуман савдо-сотик жойлари ҳам Чорсу дейилган [13.- 44 б] (5-расм).



5-расм. Ҳирот шаҳрининг Темурийлар давридаги тархи. Шаҳар тўрт тарафдан деворлар ва тўрт дарвоза билан чагараланган бўлиб, шаҳар маказида “Чорсу” савдо биноси жойлашган.

Чорсуларнинг пайдо бўлиши шаҳарнинг ўзи каби қадимийдир. Қадимги Мисрда “шаҳар” маъноси доира ичидаги чорраҳа шаклидаги иероглиф орқали ифодаланган [30. -44 б]. Қадимги Рим шаҳарсозлигида чорраҳа махсус иморат (тетрапил)лар билан ажратилган [30.-45 б]. Болқон мамлакатлари меъморлигида Чорсу номи “чаршия” деб талаффуз этилади (масалан, Македониядаги Скопле ва Битола шаҳарларининг қадимий бозорлари чоршия дейилган).


Шахрисабзда Чорсуларнинг яққол тарихий намунаси сақланган. Самарқанд Чорсуи ҳам тарихий шаҳарнинг савдо-сотиқ марказида, олти асосий кўча-йўналишларининг кесишган жойида барпо бўлган. Мазкур Чорсу Самарқанд (Регистон)даги чорраҳада жойлашган бўлиб, усти берк бозор-тим шаклини олган. У тарихий манбаларга кўра, Амир Темурнинг хотини Туман оға томонидан қурилган бўлиб “Телпак-фурушон тими” деб аталган [10.- 54 б]. Унинг жойи тахминан Самарқанддаги ҳозирги Чорсунинг ўрнида бўлган.

Ҳозирги Чорсу биносининг ташқи деворлари 12 қиррали призмани ҳосил қилади. Олти тарафга қараган ровоклар ва улар орқасидаги йўлақлар шаҳарнинг асосий кўчалари йўналишлари бўйича қурилган. Равокли томонларнинг оралиқларида тарҳи учбурчак шаклида бўлган дўконлар жойлашган.

Йўлақлар усти кичик гумбазлар билан, Чорсу маркази эса катта гумбаз билан ёпилган. Чорсу йўлақларининг 6 та бўлгани ўша давр шаҳар дарвозалари сонига ишорадир ва рамзий маъноси бор. Йўлақларнинг йўналишлари Регистон мадрасалари томонларига ҳам мос келган. Чорсу биноси ҳозирги кунда тасвирий санъат ва халқ амалий санъати асарларининг кўргазма зали тарзида фойданилмоқда ва меъморий ёдгорлик саналади (7-расм).

Шахрисабздаги чорсу биноси ҳам меъморий ёдгорликдир. Шаҳарнинг бош савдо иншооти, мурабба-квадрат тарҳли тимнинг ҳар тўрт томонида

пештоқли, қўш табақа дарвозаси бор. Тўрт томондан келган йўллар шу савдо тими- Чорсунинг ўртасидаги улкан гумбаз тагида кесишади. Унинг остида савдо дўконлари – тўртбурчакли хоналар кесишган. Бу хоналардан ҳозир ҳам савдо иншооти сифатида фойдаланилади (8-расм).



6-расм. Меъморий ечими “Чортоқ” композициясида ишланган қадимий оташгоҳлар ва мақбара (чандан ўнга): 1-Нейсар (Эрон)даги оташгоҳ; 2- Сомонийлар мақбараси; 3-Баку яқинидаги қишлоқ оташгоҳи; 4- Ленкорандаги оташгоҳ; 5- Желам (Ҳиндистон)даги оташгоҳ.

Бухорода қурилган чорсулар “тоқ” ибораси билан машҳурдир: Тоқи заргарон, Тоқи саррофон, Тоқи мисгарон ва бошқалар. XVII-XVIII асрларда Бухорода ҳаммаси бўлиб бешта тоқ-Чорсу бўлган. Тошкент, Шахрихон каби шаҳарларда Чорсу бинолари синчдан, ясси томли қилиб ишланган ва бизгача сақланмаган. Хивада Чорсу дўконлари кўпроқ Ота ва Полвон дарвозаларга туташган кўчалар бўйлаб жойлашган.


“Чорсу” - меҳмонхонаси Тошкент шаҳрининг Чорсу майдонида, Навоий, Беруний ва Самарқанддарвоза кўчаларининг кесишган жойида қадимги, Уккоша булоғи устига қурилган. Бино салобатли кўринишга эга. (бош меъмор – В.Спивак, бош муҳандис – А.Асанов, меъморлар – Л. Неседов, Н.Золотина). Бино 23 қаватли бўлиб, дастлабки икки қаватида – ресторан, банкет зали ва маъмурий-бошқарув хоналари жойлашган. Юқори қаватларда меҳмонхона номерлари жойлашган бўлиб, улар бинонинг пастки икки қавати билан қўшилиб яхлит меъморий ансамблни ташкил этади. Бинонинг пастки-таккурси қисмида баланд қилиб тиргакли деворлар ёрдамида супасимон

композиция (стилабат) ташкил қилиниб, унинг баландлиги меҳмонхона яқинида жойлашган Кўкалдош мадрасасининг энг пастки қисмига тенглаштирилган. Бино меъморлигида офтобдан сақловчи жихозлар орқали бадий ечимга эришилган. Меҳмонхона 1,2,3 хоналардан иборат турар жойларни ташкил этади. Бино ички безакларида турли безак-рельефлар (бўртма расмлар) ишланган. Бинонинг кўп қаватли қисми йиғма темир-бетон конструкция бўлиб, зилзилага чидамлидир. Бино 2004-2005 йилларда қайта таъмирланган [28.- 42 б].


Чортоқ – Наманган вилояти Чортоқ туманидаги шаҳар, туман маркази. Наманган шаҳридан 19 км шимолида, Чортоқсой водийсида. Аҳолиси 47,7 минг киши (2003).

Чор минор (форсча-тўрт минора)-Бухородаги меъморий ёдгорлик (1807). Халифа Ниёзкул (9-расм). Чор минор анъанавий усулда қурилган масжид, бир қаватли мадраса, атрофи бир қаватли ҳужралар билан ўралган ҳовлидан иборат. Синчли пешайвон типдаги масжид ҳовлининг жанубий-ғарбий бурчагида жойлашган. Мадрасага икки қаватли, гумбаз томли дарвозахона орқали кирилади. Мурабба тархли дарвозахона ўзига хос мужассамот ечимига эга: олди пештоқли, тўрт бурчагида тўртта минора жойлашган (номи ҳам шундан), минораларнинг тепа қисми гумбаз шаклида яқунланган бўлиб, улар сирқори кошинлар билан безатилган. Икки қаватли хонани биринчи қавати миёнсарой кўринишида бўлиб, изоралари тошлар билан қопланган, томи гумбазли, иккинчи қавати кутубхона, кутубхонанинг шифти пастак гумбазли бўлиб, содда муқарнаслар ҳалқаси билан тўлдирилган. Иккинчи қаватга минораларнинг биридаги зина орқали чиқилади. Кейинги сал кам бир асрлик даврда масжид, мадраса, мақбарасозлигимизнинг тўхтаб қолганлиги туфайли унинг янги бадий воситаларини излаш ҳаракати ҳам сезилмоқда. Унинг ривожига Тошкентдаги Алишер Навоий чор устунли хайкали (10-расм), (арх. В.А.Аконджанян), Амир Темур (арх. А.А.Турдиев) ҳамда сўнги йиллардаги қурилган масжид ва

зиёратгоҳлар таъсирини ҳам кўриш мумкин. Бу ишда баъзида наваторлик элементлари яратилиши билан бир қаторда пештоқ, равоқ ва гумбазларнинг туб моҳияти ўзгартирилиб, уларнинг декоративлигига эътибор берилган.




7-расм. Самарқанддаги Чорсу биносининг тарҳи.



8-расм. Шаҳрисабдаги Чорсу биносининг тарҳи



9-расм. Бухородаги Халифа Ниёзкул мадрасасининг астонаси “Чорминор” композициясида ишланган.



*10-расм. Чор устун композициясига асосланган замонавий боғ иншооти.
Тошкентдаги Алишер Навоий номи миллий паркидаги Навоийга қўйилган ёдгорлик.*

фақатгина уларнинг декоративлигига эътибор берилаётганининг ҳам гувоҳи бўламиз. Бунинг сабаби шундаки, ўрта асрлар маҳсули бўлмиш гумбаз, тоқ, равоқ, пештоқ, қошинкорлик каби бой меъморий белгиларимизни қўллаш советлар даврида таъқиқлаб қўйилган эди. Натижада уларнинг тасвирий тараққиёти вақтдан орқада қолиб кетган эди. Энди биз мана шу йўқотилган

давр учун ҳам бадий изланишларни амалга оширишимиз керак. Замонавий меъморчилигимиз амалиётининг маънавий-бадий асосларига эътибор бериб қарасак, бу соҳа тараққиёти ягона қолип асосида ривожланаётгани йўқ [25.-12 б].

Унинг маънавий асоси ва туб моҳиятида демократик тамойилларга асосланган теран моддий меросимиз пойдевори ва замонавий технологиялар талабига жавоб берадиган махсулот яратиш ғояси ётади десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам меъморий асарларнинг ҳар бирида моддий мерос ёки замонавий технология инъикоси бир хил ифодаланмаган. Чунончи, баъзи иншоотлар бевосита халқ анъаналарининг янгича ифодаланишини ташкил этса, бошқалари замонавий технология таъсири остида юзага келган.

“Чор устун” композицияси асосида шакллантирилган яна бир замонавий иншоот бу Тошкентдаги “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи бўлиб, у шаҳарнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув канали бўйида (Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб жойлашган) [29.- 31 б]. Мажмуа барпо этилган жой XX-асрнинг 20-йилларига қадар Тошкент шаҳрининг хилват чеккаси бўлган, 40-йилларда худди шу жойдаги 3 та қатлгоҳда шўролар томонидан ўзбек миллатининг илғор вакиллари, бегуноҳ ватандошлар қатл қилинган. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан 2000 йилда Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб собиқ қатлгоҳ ўрнида “Шахидлар хотираси” ёдгорилик мажмуаси бунёд этилган. Майдони 17 гектардан ортиқ мунтазам тартибли композицияда лойиҳаланган ям-яшил пасти-баланд ҳудудни Бўзсув канали иккига ажратиб туради. Икки қирғоқни эса канал устига қурилган кўприк (узунлиги 100 м) бирлаштиради. Мажмуа марказида Чор устунларга ўрнатилган фируза ранг қовурғали гумбазли айвон (ротонда, баландлиги 27 м) металл қурилмалардан ишланиб Ғозғон мармари билан қопланган, пойгумбази ганчкори муқаннаслар билан зийнатланган; гумбаз ичи ганч ўймакорлигида ишланган. Гумбаз остидаги ҳандасий шакллардан нақшлар ҳосил қилиб безатилган мармар полда нефритдан

ишланган рамзий сағани атрофда сукунат таратиб туради; сағана шаҳид кетган ватандошларни рамзий қабридир. Шунингдек, 2002 йилга келиб шу ҳудудда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи қурилиб у мазкур мажмуанинг таркибий қисмига киритилган.

Кўшк (кўчик)-тўрт устунли, томи қуббали, асосан, ёғочдан қурилган енгил иншоот; павильон, киоск. Келиб чиқиши жихатидан оддий ўтовга бориб тақалади. Ўрта асрлар Шарқ меъморчилигида кенг тарқалган. Дастлаб қадимги кўчманчи халқларнинг кўчиб юришига қулай уй (кўчик) сифатида пайдо бўлган. Арава устига ўрнатилган Кўшклардан ҳам фойдаланилган. Кейинчалик Кўшклар бадавлат кишилар, ҳукумдорлар учун безакдор қилиб боғлар ичида қурилган.

Тарихий манбаларда Кўшк намуналари ҳақида маълумотлар сақланган. Жумладан, Византия элчиси Земарх 568 йилда Ўрта Осиё кўчманчиларининг ҳоқони ўрдасида 4 товус ҳайкалини кўтариб турган Кўшкни кўргани ҳақида ёзган [12.- 64 б]. 738 йилда эса Термиз яқинида араб саркардасига олтин ва қумуш билан безатилган иккита Кўшк тақдим этилган ва бошқалар.

X-XV асрларда Кўшк меъморлиги ривожланиб, аксари боғ ичкарасидаги синчкори енгил қурилмалар (Кўшклар) устун, айвон ва болохонали, зебу зинатли, ҳашаматли, кўркем иморатлари билан кўзга ташланган. Амир Темури бунёд этган боғлар ичидаги Кўшклар шакли шамоийли билан меъморий тараққиётда янги давр очган. Самарқанд атрофида бунёд этилган (XIV-XVI асрларда) боғ-саройлар ичидаги Кўшклар ҳақида тарихий манбалар аниқ маълумотлар беради. Самарқанддаги Кўксарой, Шахрисабздаги Оқ саройни Бобур Кўшклар қаторига киритган. Кўшк меъморлиги Туркия, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг тараққий этилган. Кўшклар Европага ҳам Шарқ орқали (“киоск шаклида”) кириб келган.

Термиздаги Чор стун масжидида икки тарафи-шимойий ва шарқий томонлар очик қолган. Қолган ўртадаги 4 устун асосий юк кўтарувчи

вазифасини ўтайди. Тўрт – чор унсур деб аталиши ҳам шундандир. Очик томонлари бурчакда шаклдор таянч ва ҳар томонда иккитадан думалоқ таянч чизиқча устунлар белгилаб туради. Ёпманинг асосий оғирлигини ўртадаги тўрт устун кўтариб туради. Тўрт – чор устун деб аталишининг сабаби ҳам шундандир.

2.2. Ўрта Осиё меъморчилигида “Чортоқ” композицияси ва унинг трансформацияси

Маълумки, чортоқ деб тарҳи квадрат шаклида бўлган ва тўрт томонга бирдай тўртта тоқ -равоқ билан очилган усти ёпиқ иморатга айтилади. Тўрт томони очик равоқли кўшк ҳам чортоқ деб аталади. Чортоқнинг усти, яъни томи одатда гумбаз билан ёпилган бўлади.

Марказий Осиё меъморчилигида чортоқ композициясини чуқур ўрганган олим М. Қ. Ахмедовнинг фикрича, чортоқ бу ўлкада ислом қабул қилинишидан илгари юзага келиб, аксарият иншоотларнинг типологик шаклланишида генетик қурилма тарзида хизмат қилган. Олим чортоқнинг ўзи қандай юзага келган деган саволни қўйиб шундай тушунтиради: “У 4 сони, Шарқ халқларида муқаддас ҳисобланган квадрат ва чор унсурга асосланган бўлса ажаб эмас. Чортоқ дастлаб оташпараслик ва буддизим ибодатхоналари қурилишида кенг қўлланилган. Чортоққа қадар чорустунли айвон-текис оддий иншоот шийпон мавжуд бўлган, шийпон асосида чордара (тўрт тарафида тўртта эшиги бўлган очик айвон), сўнгра чортоқ вужудга келган” [10.- 36 б].


Анъанавий меъморчилигимиз назариясининг таниқли тадқиқотчиларидан М.С.Булатов ҳам чортоқ композициясининг ислом давригача шаклланишини эътироф этиб, унинг дастлаб нафақат оташхоналар, балки расадхона ва бошқа кўпгина соҳаларда қўлланганлигини, сўнгра эса IX асрдан бошлаб мақбарасозликда ҳам кенг ишлатилганлигини айтиб ўтади [26.- 82 б]. Шу нуқтаи назардан Бухородаги Сомонийлар мақбараси чортоқ қурилмасининг

Ўрта Осиё меъморчилигидаги уйғунлашган мукаммал кўринишига мисол бўла олади (11,12,13-расмлар).


М. Қ. Ахмедов чортоқ қурилмасининг IX-X асрдан бошлаб нафақат мақбаралар қурилишида, балки жоме масжидларининг асосий қишги хонаси саналган хонақоҳларни қуришда ҳам кенг қўлланилганлигани ёзади.




11-расм. “Чор устун” ва “Чортоқ” композицияларига асосланган замонавий меъморий бино ва иншоотлар. Тошкентдаги Олий мажлис биноси.




12-расм Фарғонада “Чорустун” услубида қурилган Бурхониддин Марғинович мемориал кўшики.



13-расм. Қувадо “Чортоқ” композициясига асосланиб қурилган Ахмад Фарғоний мақбараси.




14-расм. “Чортоқ” композицияси асосида қурилган Косондаги Хожан Бердибий мақбараси.



15-расм. “Чор устун” ва “Чортоқ” композицияларига асосланган замонавий бино ва иншоотлар. Тошкентдаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ва “Шахидлар хотираси” мемориал ёдгорлиги.



16-расм. “Чортоқ” композицияси асосланган Пайариқ туманидаги Имом ал-Бухорий мақбараси.



17-расм. “Чорустун” композициясида қурилган замонавий мемориал иншоот.



18-расм. Наманган вилоятидаги Мулла Бозор Охунд қурилиши “Чортоқ” композициясига асосланган мақбараси.

Масалан, X асрда Кўхна Термиз рабодида қурилган “Чор устун” масжиди меъморий ечимининг негизида ҳам чортоқ композицияси ётганлигини уқтиради. Ислон дини Эрон ва Ўрта Осиёга тарқалган даврда маҳаллий оташгоҳлар меъморлигига хос бўлган, ҳажмий жиҳатдан катта бўлмаган чортоқ композицияси масжидлар қурилишида қўлланилган. Бундай услуб кўшк қурилишида ҳам кенг ишлатилганлиги туфайли инглиз тадқиқотчилари уни “киоск” деб номлашган ва бу термин ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда (14,15,16,17,18-расмлар).

Ўрта Осиёда “Чортоқ” композициясига асосланган дастлабки масжидлар Марв ва Бухорода VIII аср бошларида қурилганлигини тарихчилардан Истахри ва Наршахийлар хабар беришади. Дехистон (Машхади Мисриёна)даги Шири Кабир ва Барсиёнадаги (Туркменистон республикаси) масжид қолдиқлари ҳамда VIII-IX асрларда қурилган бундай иморатлар-чортоқ ёки киоск типигаги масжидлар намунаси бўлиб хизмат қилади. Кейинчалик бу бинолар тури тараққий этиб, меҳроб томони алоҳида безатилади ва кўпинча унинг тўғрисида ягона кириш қисми жойлашади. Натижада Марв воҳасидаги Тарханат бобо ва Бухородаги Мағоки аттори (яширинча дегани) каби пишиқ ғишдан қурилиб усти гумбаз билан ёпилган XI-XII асрлар масжиди юзага келади. Булар эса ўз навбатида ўрта асрларда кенг тарқалган хонақоҳ типигаги томонларига айвонлар ёпишиб турган мақсураданиборат маҳалла ва қишлоқ масжидларининг биринчи намуналари эди.

X-XI асрда “Чор унсур” композициясига асосланган масжидлардан яна Термиздаги Чорустун ва Кармана яқинида Ҳазора қишлоғидаги Деггарон масжидларини қайд этиб ўтиш лозим. Деггарон масжиди хона марказида жойлашган пишиқ ғишдан бунёд этилган тўрт цилиндрик устунлар-Чор устун воситасида ёпилган иморатдан иборат. Тўрт устуннинг устида деаметри 6,4 метр бўлган марказий гумбаз ва унинг атрофида 8 та яна

кичикроқ гумбазлар бино ёпмасини ташкил этади. Ён деворлар хом ғишт ва пахсадан иборат [14.- 22 б].


2.3.Чор унсур таълимотининг тасвирий санъатда акс эттирилиши

Истиқлол даври меъморчилиги анъаналарига келсак бу давр меъморлари ижодида классик ва янги шаклларни уйғунлаштириш ғоялари намоён бўлади. Бу давр меъморлари замонавий композициялардан ташқари Ўрта Осиё анъанавий классик меъморчилик шакллари-Чортоқ ва Чор устун композицияларига мурожаат этдилар. Юртбошимиз ташаббускорлигида юзага келган Тошкентдаги Алишер Навоий боғи, бугунги кундаги Истиқлол саройи, Наврўз сайилгоҳи ва Олий Мажлис иморатлари билан ягона муҳташам меъморий мажмуага айланган. Мана шу мажмуадаги лойиҳа ишларининг асосий қисми В.А.Акопджанян зиммасига тўғри келади. У ердаги Навоий ҳайкали узра кўтарилган гумбаз кунгуралари Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси ва Шердор мадрасаси гумбазларига ҳамоҳанглиги билан шоир яшаган давр ва муҳитини эслатиб туради. Ҳайкалнинг атрофидаги ландшафт ва гулзорлар эса мажмуага шоирона руҳ бахш этган. Гумбазнинг устунлар устига бевосита ўрнатилиши, анъанавий гумбазости равоқли қурилмаларнинг қўлланилмаганлиги иншоотга декоратив кўриниш берган. Бу давр меъморчилигининг нуфузли иморати – Олий Мажлис биноси ва Юнусобод спорт саройида мустақиллик ғояси мужассамлашган. Парламентимиз биносининг ташқи кўриниши унинг ички ечимларига мос тушиб, демократик моҳиятни очиб беради. Деворларнинг ойнавандлиги бу ғояни янада ёрқинроқ намоён этади ва халқ ҳамда қонун чиқарувчи орган парламент орасида тўсиқ йўқлигини намоёйиш этади [29.- 44 б]. Бинонинг ташқи томонларидаги устунлар қадимги классик меъморчилиги орқали халқнинг ҳамма вақт эркинликка интилганлигини ифодалайди. Спорт саройининг думалок ойналари ва ёйли тўлқинсимон ёпмалар эса тоғли районлардаги тошли конструкцияларни бир қадар эслатади (19-расм).

Маълумки, Бухородаги Мох масжиди (Мағоки Аттори) ўрнида илгари (исломгача даврларда) оташпарастлар ибодатхонаси бўлган. Бу бинонинг дастлабки композицияси ҳам чортоқ асосида ташкил этилган. Чортоқ Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Марказий Осиё меъморчилигидаги кўпгина иморат турларининг келиб чиқишида эмбрионал гуруҳ сингари негизни ташкил этган. Унинг ривожига эса пештоқли ва ҳовлили иморатлар ва ансамбллар бурларининг келиб чиқишида асосий омиллардан бири вазифасини бажарган [24.- 46 б].



19-расм. Меъмор М. Фозиловнинг “Чор унсур таълимоти ва ҳаёт” мавзусидаги бидиий график лавҳаси.



20-расм. Меъмор М. Фозиловнинг “Чор унсур таълимоти ва ҳаёт” мавзусидаги бидийий график лавҳаси.

М. С. Булатовнинг такидлашича , Ўрта Осиё меъморчилигига хос уйғунлик ва пропорционал тизим қуйидаги хандасавий шакллар ва уларнинг хоссаларига асосланган: квадрат, тенг ёнли учбурчак, ярим квадрат ва “олтин кесим” [26.- 72 б].

Квадрат, квадрат диагонали ва уларнинг ҳосилалари меъморий шаклларни ясашда ва биноларнинг мутаносиб ўлчамларини топишда кенг фойдаланилган. Квадратнинг ҳосиласига унинг ичига чизилган саккиз бурчакли шакл ҳам кирган. Саккиз бурчакли композиция квадрат диагоналининг ярмидан келиб чиққан ва чортоқ тарҳи, ҳовузлар ҳамда кўпгина меъморий нақшларни ишлашда кенг қўлланилган [22.- 34 б].

Бундан ташқари ўтмишдаги меъморлар хандасавий йўл билан олинадиган иррационал миқдордаги мутаносибликларни зарур ҳолларда уларга яқин бўлган бутун сонли оддий мутаносибликлар-Чор катаклар билан алмаштирганлар. Шу йўл билан улар меъморчиликда хандасавий ва модулли муносабатлар яхлитлигига эришганлар (20-расм).

“Чортоқ” композицияси ва унинг трансформациясига асосланган тарихий иморатлардан яна бири Чор минор (форсча-тўрт минора) – Бухородаги меъморий ёдгорлигидир. У 1807 йили Халфа Ниёзкул томонидан қурдирилган. Чор минор ёдгорлиги анъанавий усулда қурилган масжид, бир қаватли мадраса, атрофи бир қаватли хужралар билан ўралган ҳовлидан иборат. Синчли пешайвон типдаги масжид ҳовлининг жанубий-ғарбий бурчагида жойлашган. Мадрасага икки қаватли, гумбаз томли дарвозахона орқали кирилади. Мурабба тарҳли дарвозахона ўзига хос симметрик ихчам мужассамот ечимига эга: олди пештоқли, тўртбурчагида тўртта минора жойлашган (бинонинг номи ҳам шундан). Минораларнинг тепа қисми гумбаз шаклида яқунланган бўлиб, улар сиркори кошинлар билан безатилган. Икки қаватли чорминорнинг биринчи қавати миёнсарой кўринишида бўлиб, изоралари тошлар билан қопланган, томи гумбазли, иккинчи қавати кутубхона, кутубхонанинг шифти пастак гумбазли бўлиб,

содда муқарнаслар ҳалқаси билан тўлдирилган. Бинонинг иккинчи қаватига минораларнинг биридаги зина орқали чиқилади [30.- 46 б].

Мақбаралар меъморчиликдаги биноларнинг муҳим типи бўлган Ўрта Осиёда IX-X асрларда жаҳон меъморчилиги шоҳ асарларидан бўлган Бухородаги Самонийлар мақбараси, Тим қишлоғидаги Араб ота, Кармонадаги Мирсайид Баҳрои мақбаралари киради.

Самонийлар мақбараси марказий композицияга эга. Ҳажман куб ва ярим сфера шаклларида иборат. Куб пастда мақбара суфаси тепада равоқлар қатори билан чегараланган. Кубнинг ўрта қисмида ҳар тарафда киравериш равоғи ва бурчакларда гулдасталар (ботиқ цилиндрик шакл) жойлашган. Майда ғиштлардан ишалб чиқилган. Гилам тариқасидаги безак ҳам экстерьерда, ҳам интерьерда ҳосил бўлган. Конструктив жиҳатдан мақбара тўртёнлик (кубнинг асосий пастки қисми) саккиз ёнлик тўртала томонларда деворий равоқларидан ташкил топган. Бурчак равоқларида ичкаридан ярим равоқлар тираб туради. Саккизёнлик қирраларида ғиштин устунчалар қилинган. Улар гумбазнинг ичкарига кириб осилиб турган қисмларини кўтариб туради

II-боб хулосаси

1. Чор унсур таълимотига асосланган фуқаровий иморатлар таркибига чор устун, чортоқ, чордара, чорсу каби қурилмалар кирган. Чорсу форсча сўз бўлиб чор-тўрт, сук-бозор; чорраҳадаги бозор жой маъносини беради. Ҳозирда Чорсу деганда 2 хил тушунча англашилади. Улардан биринчиси тарихий шаҳарларнинг чорраҳаларида жойлашган, одатда, усти ёпиқ бўлган савдо-сотиқ жойи; аксари чорсулар шаҳарнинг ўртасида қурилиб, тархий-режавий ечими бўйича марказий мужассамотга ва симметрик композицияга эга бўлган; иккинчиси бу умуман савдо-сотиқ жойлари ҳам Чорсу дейилган. Чорсуларнинг пайдо бўлиши шаҳарнинг ўзи каби қадимийдир.

2. Чортоқ композицияси Ўрта Осиёда ислом қабул қилинишидан анча илгари юзага келиб, аксарият иншоотларнинг типологик шаклланишида генетик қурилма тарзида хизмат қилган. У тўрт сонига, Шарқ халқларида муқаддас ҳисобланган квадрат ва Чор унсурга асосланган. Чортоқ дастлаб оташпараслик ва буддизим ибодатхоналари қурилишида кенг қўлланилган. Чортоққа қадар чорустунли айвон-текис оддий иншоот шийпон мавжуд бўлган, шийпон асосида чордара (тўрт тарафида тўртта эшиги бўлган очик айвон), сўнгра чортоқ вужудга келган.

3. Чортоқ Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Марказий Осиё меъморчилигидаги кўпгина иморат турларининг келиб чиқишида эмбрионал гуруҳ сингари негизни ташкил этган. Унинг ривожига эса пештоқли ва ҳовлили иморатлар ва ансамбллар турларининг келиб чиқишида асосий омиллардан бири вазифасини бажарган.

Квадрат, квадрат диагонали ва уларнинг ҳосилалари меъморий шакллари яшада ва биноларнинг мутаносиб ўлчамларини топишда кенг фойдаланилган. Квадратнинг ҳосиласига унинг ичига чизилган саккиз бурчакли шакл ҳам кирган. Саккиз бурчакли композиция квадрат диагоналининг ярмидан келиб чиққан ва чортоқ тарҳи, ҳовузлар ҳамда кўпгина меъморий нақшларни ишлашда кенг қўлланилган.

III-БОБ. “ЧОР УНСУР” ТАЪЛИМОТИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК САНЪАТИ ВА АМАЛИЁТИДА АКС ЭТИШИ


3.1. “Чор унсур” таълимотининг шаҳарсозлик санъати шаклланиши ва ривожига таъсири

Шуниси ажабланарлики, архитектура ва шаҳарсозлик ҳам қадим замонлардан буён “Чор унсур” фалсафаси билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Ҳар бир бино ёки аҳоли мавзесини қуришда аجدодларимиз уфқнинг тўрт томонини, айниқса қуёшнинг чиқиши ва ботишини, демак нур (ҳаво ҳарорати) ва ҳаво ҳаракати (шамол)ни, намликни, тупроқнинг тузилишини ва унинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ер рельефини эътиборга олишга мажбур бўлганлар. Кейинчалик бу удумлар архитектура ва шаҳарсозликда қонун кучга кирган. Чор унсурдан тўрт сони, тўрт сонидан чорсу, яъни квадрат, табиат ва коинот уйғунлигига хос оламнинг доимий айланма ҳаракатидан эса фалак чархи, яъни айлана каби соф геометрик шакллар вужудга келган. Ерга хос ҳаракат ва тараққиёт ҳам айнан айланада ўз рамзини топган. Квадрат ва айлана эса архитектура ва шаҳарсозлик амалиётида энг кўп тарқалган шакллардир. Квадратдан куб, квадрат ҳовли ёки хона, айланадан эса устивон, яъни цилиндр, айлана ҳовли ёки хоналар вужудга келган. Шарқ архитектурасига хос чорустун, чортоқ, чорсу, чоркалид каби шакллар ҳам квадрат асосида келиб чиққан [24.-36 б].


Чорбоғ тушунчасини ҳам Чор унсур фалсафаси билан боғлаш мумкин. Чунки Чорбоғ шундай боғки, унда тупроқ ҳам, сув ҳам, нур ҳам, ҳаво ҳам бир-бирига ҳамоҳанг бўлмоғи керак, яъни чорбоғда тўрт фаслга хос иқлимнинг рамзий маъноси мавжуд бўлмоғи зарур. Унинг бир қисмида шамол ёки шабада эсиб туриши керак бўлса, бошқа бир қисмида ғарқ пишган мевалар ва манзаралар мавжуд бўлмоғи, яна бир қисмида эса соя-салқин, сўлим муҳит яратилиши кўзда тутилган. Чорбоғнинг ўзи тўрт боғдан, ҳар бир боғлар эса чорчаманлардан, чорчаманлар эса чаманлардан тузилиб, чаманларда чортараф ҳовузлар бўлган.

Чорбоғ, чорчаман, чортараф ҳовузлар ва боғлардаги чортоқ (кушк)лар ҳам “мураббаъ” (чорсу), яъни квадрат шаклли мунтазам режага асосланган.

“Чор унсур” фалсафаси замирида қадим замонлардан бошлаб квадрат ва айлана шакллари вужудга келган. Шунинг учун ҳам квадрат ва айлана Шарқ халқларида қадимдан “Илоҳий” шакллар ҳисобланади. Бошқа барча шаклларнинг шу икки бошланғич илоҳий шакл асосида яратилишини Шарқ халқлари азалдан яхши тушунганлар. Квадратдаги тўрт тараф ҳам рамзий маънода дунёнинг тўрт томонини англатган, чунки Шарқ халқлари (жумладан, Фрот ва Дажла дарёлари оралиғи халқларда) дунё асосан тўрт томонни ташкил қилади деган тушунча булган. Одам эса ўртада турар экан. У тўрт тарафдан келадиган табиий ва сунъий хавф-хатардан ўзи ва



7-расм. Чорунсур ва шаҳарсозлик. “Вара” кўринишидаги шаҳар:
а – Қадимги Хоразмдаги Қалъали-қир шаҳарчасининг тарҳи (эр.ав. IV а.); б – Кўзали-қир шаҳарчаси деворининг реконструкцияси (В.Л.Лавров бўйича).



8-расм. Тарҳи квадрат шаклига асосланган меъморий обидалар: а - Шимолий Бақтрия. Сополли-тепа қўрғони (эр.ав.1700-1500 йй.); б - Туркманистондаги Доя-хотин карвон-саройи (XI а.)

оиласини кўриқлаш мақсадида турадиган жойининг тўрт томонини девор билан ўрашни, ўстини ёпишни, ўй эшигини эса қуёш чиқадиган тарафга ўрнатишни лозим курган.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг муқаддас китоби “Авесто”да (Вендида бобининг II фаргардида) Ёима, яъни Шоҳ Жамшид курган квадрат тарҳли “Вара” кўринишидаги шаҳар ҳақида сўз кетади:


“33. Ёима Вара курди, унинг ҳар томонининг узунлиги бир от югуриш масофасида бўлиб (тахминан- 3 км) бу ерга уруғлар, ҳўкизлар отлар, итлар, парандалар ва оловларни олиб кирди...

34. Бу ерга хатр масофаси (тахминан 1.5 км)дан сув олиб келди...Бу ерда уй, иморат, айвон, ҳовли, жой курди...


37. Иншоотнинг кенг томонида тўққиз қатор, ўрта қисмида олти қатор тор қисмида уч қатор йўлак курди [10.- 34 б].

Авестода баён этилган “Вара” кўринишидаги квадрат тарҳли шаҳарларга Ўрта Осиё тарихшунос олимлари Қадимги Хоразмдаги милoddан олдинги IV асргача қурилган ва ҳозирда Қалъли-қир, Кўзали- қир ва Кўрғошин-қалъа деб номланган шаҳарларнинг ҳаробаларини киритади (21-расм) . Ўрта Осиёда нафақат қадимги шаҳарлар, балки ҳаробалари бизгача сақланиб қолган энг қадимги қалъалар, кўрғонлар, карвон-саройлар, уйлар ва мақбаралар орасида ҳам тарҳи квадрат шаклга эга бўлган обидалар кўп учрайди. Масалан, Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган милoddгача XVII-XV асрларда қурилган Сополлитепа кўрғони (22-расм,а), Туркменистоннинг Эски Ниса шаҳрининг шимолий қисмида II-асрда қурилган “Квадрат уй”, Туркменистонда XI-асрда қурилган Доя-хотун карвон –саройи (22-расм,б), Бухорода IX-аср охири X –аср бошларида қурилган Сомонийлар мақбараси, Қозоғистонда XI-XII асрларда қурилган Ойша-биби, Марвда XII-асрда қурилган Султон Санжар, Кўхна Ургенчда XII-XIII асрларда қурилган Такаш мақбаралари ва бошқаларнинг квадрат тарҳда эканлиги фикримизнинг исботидир. Ўрта Осиё меъморчилигида кенг

тарқалган чорустун ва чортоқ иншоотларининг тарҳи ҳам квадратга асосланганлиги бежиздан эмас .



9-расм



9-расм давоми. Тарҳи айлана шаклидаги Қадимий қалъалар:
а - Хоразм. Куй-қирилган қалъа (эр.ав. IV-III аа.), 1, 2-қават ва аксонометрик қирқим (реконструкция);
б - Бахтрия. Дашли-3 айлана ибодатхонаси (эр.ав. XVII а.), тарҳи ва аксонометрияси (реконструкция).

Ғарбда ўрта асрлар ва Уйғониш даври шаҳарсозлиги ва диний иморатлар қурилишида режавий тузилиши “крест”, яъни хоч шаклида бўлган шаҳарлар ва храмларни қуриш ва лойиҳалаш одат тусига кирган эди. Бу эса ўша даврларда Ғарбда ҳукмрон бўлган христианлик динининг рамзи “крест” шаклига асосланиб, у эса ўз навбатида Христосни ва унинг жабрланишини, азобланишини ва курашини ифодоловчи шаклий рамз бўлганлиги сабабли келиб чиққан [11.- 52 б].

Шарқда эса ўзгача тафаккур, яъни зардуштийлик динининг таълимоти “Чорунсур” билан боғлиқ дунёвий қарашлар асосида шаклланган Шарқ шаҳарсозлиги ва мэъморчилиги, диний иморатлар шаклу-шамойили вужудга келади. Бунда асосан квадрат ва айлана ҳамда квадратнинг хосилалари, яъни квадрат катаклар ва модул кўринишидаги режавий ечимлар илк ўрта асрлар шаҳарсозлиги ва иморатсозлигида кенг тарқалади.


Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда тарҳи айлана шаклида қурилган шаҳарлар ҳам мавжуд. Улар жумласига милoddан олдинги IV-III асрларда Қадимги Хоразмда бунёд этилган Қўй-қирилган қалъа шаҳарчасини ва Бактриядаги Даштли -3 айлана иботатхонасини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин . М.С. Булатов Қўй-қирилган қалъа марказида жойлашган айлана тарҳли иншоотни ўзига хос расадхона ролини ҳам бажарган деб тахмин қалади [14] (23-расм).

Қадимда ҳам кўп шаҳарлар айлана шаклида қурилган. Масалан, Боғдод илк бор айлана режада, арабларнинг ҳарбий лагери ҳам доира шаклида бўлган. Гап шундаки, айлана шаклли шаҳарларнинг квадрат режалиликка кўра юзаси катта, периметри эса кичикдир. Бу уларнинг ташқи муҳофаа деворларини қуришга кам маблағ сарфлаб, шағар ҳудудини оширишга имкон беради .


Хуллас, келиб чиқиши Чор унсур таълимотига асосланган квадрат ва айлана тарҳли режавий композиция шарқ халқларида қадим даврлардан

бошлаб иморатлар, кейинчалик эса шаҳарлар қурилишида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинган .

Маъморчиликда қўлланиладиган ҳар бир геометрик шаклнинг эса ўз илоҳий моҳияти ва рамзий маъноси бўлган. Масалан, квадрат дунё ва табиат



а



б


10-расм. Чоркалид:
а – Самарқанд
(Афросиёб). Сомонийлар саройи
нақшидаги чорка-
лид (IX-X аа.);
б – Улугбек мадра-
саси пештоқидаги
морпечга ишланган
чоркалид (XV а.).

рамзи, унинг тўрт томони эса тўрт унсурни, дунёнинг тўрт томонини ,йилнинг тўрт фаслини, кеча кундузнинг тўрт вақтини акс эттирган; доира эса коинот ва илоҳий куч рамзи тарзида қаралган .

Қадимги Ҳиндистонда квадрат фалаккиётни акс эттириб , унда абадий уйғунлик ва барқарорлик тимсоли мужассамлашган .Бу ўлкада меъморий

уйғунлик “Чорунсур”фалсафасини ўзида сингдирган икки тизилма орқали ифодаланган. Биринчиси коинот тимсоли тарзида эътироф этилган катта квадрат “мандала” ва иккинчиси биринчисининг бирламчи тимсоли ёки модули ҳисобланган 64 та кичик квадратчалар “мандука” [24.-56 б]. Бу икки восита меъморчилик ва шаҳарсозликда кенг қўлланилган.

Шу ерда шохмот ва шашка катакларини ҳам эслайлик. Шохмот ва шашка аслида яхлит квадрат тахтача бўлиб, уларда ўзаро тенг 64 та кичик квадрат катакчалар мавжуд. Шохмот ва шашканинг қадимий ўйинлар, шохмотнинг она юрти Ҳиндистон, шашкани эса Қадимги Миср эканлигини этиборга олсак, шохмот ва шашка билан “мандала” ва “мандука” тизимлари



25-расм. ”Чоркалид” ва квадрат шаклларида тузилган
ҳандасавий композициялар.

ва улар орқали “чор унсур” тўртлиги орасида узвий алоқа борлиги намоён бўлади. Марказий Осиёда ҳам тўрт сонига катта эътибор берилганлигини биз юқорида кўрдик. Масалан: чор унсур, чорбоғ, чорчаман, чоргоҳ, чорустун, чордара, чортоқ, чоркалит (свастика), чорсу, чорраха. П.Ш.Зоҳидов ва М.Қ.Ахмедовлар “ ҳаётдаги маълум ҳандасавий нисбатлар асосида квадрат ётади ва уларнинг барчасини (квадрат)дан келтириб чиқариш мумкин” деган фикрга келган [10.-13 б]. Уларнинг фикрича, квадрат ер тимсоли, квадратнинг хажмий ифодаси бўлган куб шаклини эслатувчи чорустун, чордара, чортоқ қурилмалари эса коинот тимсоли сифатида тушунилган. Бизнинг фикримизча, бу тушунчаларнинг боланғич ибтидоси тўрт унсурга бориб тақалиб, унинг ўзи эса шарқ фалсафаси “ Чор унсур”га асосланган. Умуман тўрт сони, яъни квадрат қатор мамлакатларда муқаддас ва илоҳий ҳисобланади. Дунёнинг пайдо булиши ва ривожига ҳам шу тўрт унсурга боғланган.

Чор унсур фалсафасига бўлган муҳаббат кўпгина динларда, масалан, яхудий, буддий, насроний ва, айниқса, ислом динида ўз ифодасини топган. Мусулмон файласуфлари Қуръонни Таврот, Инжил ва Забурдан кейинги тўртинчи устурлоб (юлдузларни кузатувчи асбоб) деб аташган.

Мухаммад пайғамбар бунёд эттирган илк масжидлар: мадинага яқин қишлоқ Куббадаги ва Мадинадаги масжидларнинг тарҳлари ҳам тўрт сони, яъни квадратга асослаган. Куббадаги масжид тарҳи 30х30 метрга, Мадинадаги эса 50х50 метрга яқин бўлган. Ҳар иккаласи ҳам ҳовлили ва айвонли қилиб қурилган [12.- 34 б].

Чор манзил — яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат тасаввуф илми водийсининг манзиллари ҳисобланганки, амри маъруф қиладиган ҳар қандай уламо ҳеч бўлмаганда маърифатгача бўлган водийни босиб ўтиб, ориф даражасигача етгандагина раиятга амри маъруф қилмоғи лозимлигини ўқтирилган.

Самарқанддаги Улуғбек ва Шердор мадрасалари, Афросиёбдаги Сомонийлар саройи деворларида “чоркалит”, яъни свастика гириҳининг тасвирини кўриш мумкин (24-расм). “Чоркалит” гириҳи билан фалакнинг қай ҳолатда айланаётганлигини, ер билан коинотнинг боғлиқ ҳолда мавжудлигини, улар орасидаги боғлиқликнинг муайян уйғунликда эканлигини, ўн саккиз минг олам худосининг якка-ю ягоналигини “ундан ўзга маъбуда барҳақ йўқлигини”, “туғулмаслиги ва ўлмаслигини”, яъни (бордан йўқ бўлмайди маъносида) кўришимиз мумкин [16.- 27 б].

“Чоркалит” шарқ халқларига қадимдан маълум бўлганлигининг яна бир исботи шулки, у зардуштийликнинг хочи, яъни бахт тамғаси ҳисобланган [18]. Уни яшаш жуда осон бўлиб, бунинг учун квадрат томонини тўртга бўлиш кифоядир (25-расм).

Аждодларимизнинг одамни ҳам, оламни ҳам тўрт унсурдан яралган деб билганини юқорида айтиб ўтдик. Совет олими Шмид ҳам оламни чанг ва газлардан пайдо бўлган дейди. Қуръонда ҳам Одам Отанинг тўрт унсурдан яратилгани ҳақида уқтирилади [23. – 112 б].

Чор унсур фалсафаси кейинчалик беш унсур даражасига бориб етди. Бешинчи унсур “эфир” ҳисобланади. Аммо беш унсур фалсафаси чор унсур каби жами фанларни ўз ичига қамраб ололмади. Масалан: беш томонининг қибла, беш фасл, беш кунлик дунё дейиш одатдан эмас, чунки у ҳақиқатга яқин гаплар эмасдир.

Хуллас, Чор унсур фалсафаси шарқ халқларида коинот ва табиат уйғунлигини ўзида акс эттирувчи умрбоқий фалсафа бўлиб хизмат қилган ва у ханузгача нафақат дунёни ўрганишда, балки архитектура ва шаҳарсозликда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Архитектура ва шаҳарсозлик муаммоларини ўрганишмизда, айниқса меъморий уйғунлик ва мутаносиблик масалаларини таҳлил қилишимизда “Чор унсур” фалсафаси ва унинг мазмунига хос уйғунликни мутаносибликлар ва меъморий шакллар уйғунлигининг генетик коди ёки асоси бўлиб хизмат қилишини унутмаслигимиз керак.

Истиқлол даври меъморчилиги бугунги кун архитектурашунослик фани ва меъморларимиз олдида иккита муҳим муаммони қўймоқда.

Биринчиси: Республикамиз Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида юзага келган янги шаҳарсозлик ва меъморчилигимизнинг ривожланиш шарт шароитлари ҳамда қонуниятларини чуқур ўрганиб чиқиб, унинг истиқбол йўлларини аниқлашдан иборат.


Иккинчиси: Меъморчилик тарихини янги маълумотлар билан тўлдириш. Бунда илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг юзага келиши тарихини қайта кўриб чиқиш масаласи турибди. Айти пайтда анъанавий меъморчилигимизнинг назарий асосларини чуқур ўрганиш “Чор унсур” ва “Чорбоғ” каби таълимотларнинг меъморчилик ва шаҳарсозликдаги ўрни ва ролини чуқур таҳлил қилиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Шу ҳақда фикр юритар эканмиз миллий истиқлол ғоясини меъморчиликка сингдиришда, уни тарғибот қилишда талайгина ишлар қилиниши кераклигига эътиборни қаратмоқчимиз. Маъмурий буйруқбозлик тузумининг маҳсули бўлмиш минбардан туриб бошқарилган шаҳар бош майдонлари ўрнига чинакам халқ сайлига айланган Наврўз ва Мустақиллик байрамларини ўтказадиган сайлгоҳларнинг юзага келиши шаҳарларимиз таркибининг ғоявий қайта тузилишини тақозо этмоқда. Буни мен ўрта асрлар шаҳарларидаги Регистон каби жамоат майданларини ижтимоий функциясига ўхшатгим келади.

Шўролар даврида бўйруқ билан тўхтатиб қўйилган ва бугунги кунда қайта ривожланаётган ҳунармандчилик, якка тартибдаги ишлаб чиқариш ва савдо иншоотларининг ҳам зарур меъморий шакллари ҳали топгани йўқ.

3.2. “Чор унсур” таълимотига хос уйғунликнинг боғ-истирохатчилик санъатида акс этиши (чорбоғ, чорвоқ, чорчаман, чорховуз)

Чорбоғ – Шарқ мамлакатларида атрофи девор билан ўраб олинган марказида кўшк айвон, кўрғонли, муайян тартиб асосида тузилган боғ. Чорбоғ учун текис, сувли, дарахли жой танланади; нотекис (нишабли) жойлар поғона-поғона сахнларга бўлиниб тартибга келтирилади, сунъий шаршаралар қилиш имкониятлари яратилади. Чорбоғ мурабба ёки тўртбурчак тарҳли бўлиб, боққа кириш ҳар 4 тарафнинг ўрталаридан ташкил этилади; ҳудуди йўлка ва ариқлар ёрдамида айрим боғчаларга, боғчалар эса яна ўз навбатида чаманзорларга бўлиниб, чорчаманларни ташкил қилади. Чорбоғ мужассамотининг марказини айвонли кўшк, сарой биноси эгаллайди. Сарой муайян таккурсига жойлаштирилади. Баланд бўйли дарахтлар деворга яқин экилади, ундан сўнг меваги дарахтлар ва гуллар тартиб билан экилади, уларнинг эрта баҳордан кеч кузгача очилиб туришига эътибор берилади. Бино мужассамоти Чорбоғни турли нуқталардан кўриш имконини берадиган каватига буржларидаги зиналар орқали чиқилади. Сув иншоотларидан катта



26-расм. “Чорбоғ” композициясида ишланган боғ тарҳи ва перспективаси

(А.С. Уралов бўйича).

тарзда, 1-2-қаватли, марказий мажассамотли қилиб қурилади: ўртада атрофини айвонлар ўраб олган чордара хона бўлиб, бинонинг иккинчи арик ва ховузга сув келади, ховуз шакллари ҳамда фавворага алоҳида эътибор берилади. Чорбоғда, шунингдек, ўтов, чодир кабиларни ўрнатиш учун жойлар ажратилади. Чорбоғдаги ҳайвонот дунёси ва қушлар (масалан, кийик, ўрдаклар, тустовук, товус ва бошқалар) унга ўзгача кўрк бағишлайди (26-расм). Чорбоғ қадимдан яратилиб келингани учун Темурийлар ва Бобурийлар даврида ривожланиб равнақ топади, бу даврда моҳир боғсоз усталар етишиб чиқади. Жумладан, XVI асрда яшаган ҳиротлик Мирак Сайид Ғиёс боғ режасини тузиш, сув иншоотларини лойihalашга моҳир бўлган, унинг Бухорода ҳам Убайдуллахон учун боғ барпо қилгани манбалардан маълум.


XIII-аср охирига оид рисолада, XVI-асрда қайта кўчирилган “Иршод уз-зироат фи илмил-ҳиросат” рисоласида Чорбоғ яратиш ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган. Ҳатто рисоланинг бир боби “Кўчат, гул, дарахт, муаттар ўтлар ўтказиш, чорбоғга тартиб бериш ва уни барпо қилишда изчилликка риоя қилиш” деб аталади [17.-211 б]. Рисолада чорбоғнинг энг мақбул вариантларидан бири келтирилади ҳамда турли тавсиялар билан бирга чорбоғ мужассамоти симметрия, ритм, ранг каби масалаларга алоҳида аҳамият берилиб, меваги дарахтларга кенг ўрин ажратилади.

Чорбоғ Ўзбекистонда XIX-асрнинг 2-ярмида XX-асрнинг бошларида ҳам бунёд этилган. Масалан, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Қўқон хоннинг Ойим қишлоғидаги, Хивадаги Нуриллобой чорбоғлари ва бошқалар шулар жумласига киради.

Чорвоқ-Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги шаҳарча бўлиб Тошкент шаҳридан 70 км Угом тизмасининг ён бағрида, Угом дарёсининг Чирчиқ дарёсига қуйилиш жойининг ўнг соҳилида, Тошкент-Хўжакент

XVII-аср охирига оид “Иршод уз-зироат фи илмил-ҳиросат” рисоласида Чорбоғ яратиш ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган. Ҳатто рисоланинг бир боби “Кўчат, гул, дарахт, муаттар ўтлар ўтказиш,

чорбоғга тартиб бериш ва уни барпо қилишда изчилликка риоя қилиш” деб аталади. Рисолада чорбоғнинг энг мақбул вариантларидан бири келтирилади ҳамда турли тавсиялар билан бирга чорбоғ мужассамоти симметрия, ритм,




27-расм. “Чорбоғ” даги кўшклар тасвири.



28-расм. “Чорустун” композициясида қурилган замонавий- кўшк. Тошкентдаги Қатагон қурбонлари хийбонидаги меъмориал иншоот.

ранг каби масалаларга алоҳида аҳамият берилиб, меваги дарахтларга кенг темир йўлида жойлашган. Қадимда бу ерда Чорвоқ деб номланган катта боғ бунёд этилган [28.- 43 б].

Чорвоқ (Чорбоғ)-Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги шаҳарча бўлиб, Тошкент шаҳридан 70 км узоқликда Угом тоғ тизмасининг ён бағрида, Угом дарёси қуйилиш жойининг ўнг соҳилида, Тошкент-Хўжакент



28-расм. "Чорустун" композициясида ишланган замонавий мемориал кўшк.

Тошкент миллий паркидаги Алишер Навоий ёдгорлиги.

темир йўли ёнида жойлашган. Яқин темир йўл станцияси-Хўжакент (3 км). Денгиз сатҳидан ўртача 892 м баландликда. 1964 йили Чорвоқ сув омбори ва Чорвоқ ГЭС қурилиши муносабати билан бунёд этилган. Аҳолиси 5,5 минг киши (2004) [28. -44 б].

Чорвоқда, асосан қурувчилар ва энергетиклар, шунингдек, йўлсозлар, ҳайдовчилар, корхоналар ишчи ва хизматчилар ҳам яшайди.

Шаҳарча номи (“Чорбоғ”) тўртта боғ маъносини билдиради. Чорбоғда Чорвоқ ГЭС қурилиш бошқармаси, ўрта Чирчик ГЭСлар каскади, Бўстонлик тумани, автомобиль йўллари бошқармаси, автотранспорт ишлаб чиқариш корхонаси каби йирик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатади. “Шамс” фирмаси (“Хумсон” минерал суви қадокланади) бор. Учта умумий таълим мактаби, маданият уйи, иккита болалар, битта шаҳар кутубхонаси, марказий касалхона мавжуд. Чорвоқ ён атрофида болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари, санаторийлар ишлаб турибди. Сув омбори соҳилларида “Чорбоғ” оромгоҳи, Бекобод, Олмалик ва Навоий кон металлургия комбинатларининг дам олиш масканлари барпо этилган. Чорвоқга Тошкент-Чорвоқ йўналишида автобуслар, Тошкент-Хўжакент электр поезда қатнайди.

Самарканд меъморчилик мактабининг илғор анъаналари, айниқса, Амир Темур ва темурийлар даври яққол намоён бўлади ва жаҳоннинг турли минтақаларига ёйилади. Мана шу даврдан бошлаб шаҳарсозлик, иморатсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда янги-янги анъаналар юзага келади. Масалан, бу даврда шаҳарсозликда рубъа (ёки китъа)деб аталадиган анъана шаклланади. Унга кўра шаҳар марказида бош савдо чорраҳаси-чорсу жойлашади, тўрт даҳадан ташкил топган ички шаҳар тузилмаси яратилади ва у Марказий Осиё ҳамда унга туташ ўлкаларида бир неча юз йиллар давомида қўлланади. Буни ўрта асрлардаги Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Марв, Шаҳрисабз ва XIX асрдаги Хиванинг Ичан қалъаси мисолида кўриш мумкин.

Боғ-роғ санъатида Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандда чорбоғ композицияси яратилдики, у ҳам кейинчалик Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон сингари бошқа юртларда кенг тарқалади. Масалан, бобурий шаҳзода Шох Жаҳон Аграда бунёд этган машҳур Тож Маҳал, Шох Аврангзеб Аврангзебободда қурдирган Бибика номи билан маълум бўлган Робияи Даврон мажмуалари шундай чорбоғнинг тўрида жойлашган. У ердаги мақбара меъморчилиги ҳам Амир Темур даврида юзага келган чорминор композициясига асосланган.

III-боб хулосаси

1. Чор унсурдан тўрт сони, тўрт сонидан чорсу, яъни квадрат, табиат ва коинот уйғунлигига хос оламнинг доимий айланма ҳаракатидан эса фалак чархи, яъни айлана каби соф геометрик шакллар вужудга келган. Ерга хос ҳаракат ва тараққиёт ҳам айнан айланада ўз рамзини топган. Квадрат ва айлана эса архитектура ва шаҳарсозлик амалиётида энг кўп тарқалган шакллardир. Квадратдан куб, квадрат ҳовли ёки хона, айланадан эса устивон, яъни цилиндр, айлана ҳовли ёки хоналар вужудга келган. Шарқ архитектурасига хос чорустун, чортоқ, чорсу, чоркалид каби шакллар ҳам квадрат асосида келиб чиққан

2. Ўрта Осиёда нафақат қадимги шаҳарлар, балки харобалари бизгача сақланиб қолган энг қадимги қалъалар, қўрғонлар, карвон-саройлар, уйлар ва мақбаралар орасида ҳам тарҳи квадрат шаклга эга бўлган обидалар кўп учрайди. Ўрта Осиёда тарҳи айлана шаклида қурилган шаҳарлар ҳам мавжуд. Улар жумласига милoddан олдинги IV-III асрларда Қадимги Хоразмда бунёд этилган Қўй-қирилган қалъа шаҳарчасини ва Бактриядаги Даштли -3 айлана иботатхонасини мисол қилиб қўрсатишимиз мумкин .

Хуллас, келиб чиқиши Чор унсур таълимотига асосланган квадрат ва айлана тарҳли режавий композиция шарқ халқларида қадим даврлардан

бошлаб иморатлар, кейинчалик эса шаҳарлар қурилишида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинган .

3. Маъморчиликда қўлланиладиган ҳар бир геометрик шаклнинг эса ўз илоҳий моҳияти ва рамзий маъноси бўлган. Масалан, квадрат дунё ва табиат рамзи, унинг тўрт томони эса тўрт унсурни, дунёнинг тўрт томонини ,йилнинг тўрт фаслини, кеча кундузнинг тўрт вақтини акс эттирган; доира эса коинот ва илоҳий куч рамзи тарзида қаралган .

4. Архитектура ва шаҳарсозлик муаммоларини ўрганишмизда, айниқса меъморий уйғунлик ва мутаносиблик масалаларини таҳлил қилишимизда “Чор унсур” фалсафаси ва унинг мазмунига хос уйғунликни мутаносибликлар ва меъморий шакллар уйғунлигининг генетик коди ёки асоси бўлиб хизмат қилишини унутмаслигимиз керак.

ХУЛОСА:

Диссертация натижалари ва таклифлар

Мазкур диссертацияда архитектурашунослик фанида илк бор Ўрта Осиё халқларининг маънавий-маданий дунёқарашларига хос бўлган “Чор унсур” таълимотини ўрганиш ва унинг ушбу минтақа халқлари меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг шаклланиши ва ривожланишидаги роли ва ўрнига илмий нуқтаи назардан баҳо бериш мақсад қилиб қўйилди ва бунга муайян даражада эришилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўрта Шарқ халқларига хос қадимий “Чор унсур” таълимоти диний фалсафий ва дунёвий кенг аҳамият ва мазмун кашф этиб, бу таълимот Шарқ халқларининг дунёвий тафаккурини шакллантиришга, яъни уларнинг дунё ва коинотнинг тузилиши ва ундаги биоорганик жонзодларнинг шаклланиш асосларини билиши ва тушинишига хизмат қилибгина қолмасдан, балки ана шу дунё мужассамлигидаги уйғунлик ва яхлитликка мос ҳолда ўз турмушлари, яшаш шароитларининг асоси бўлмиш анъанавий меъморчилик ва шаҳарсозлик амалларини шакллантиришларига ҳам хизмат қилган

2. “Чор унсур” таълимотига хос уйғунликка асосланган минтақавий ва маҳаллий табиий-иқлим шароитлар (иссиқ-қуруқ суптропик жадал континентал иқлим, паст текисликлардаги саҳролар воҳа ва водийларнинг баланд тоғ ва тоғ олди рельефлари билан боғланиши, сув ва ўрмон ресурсларининг чекланганлиги, юқори зилзиладошлик ва бошқа жуғрофий ва маҳаллий қурилиш шароитлари) бу ўлкадаги меъморчилик ва шаҳарсозликнинг шаклланишига объектив таъсир этувчи омиллар бўлиб хизмат қилган.

3. Ўрта Осиё ҳудудидаги мавжуд табиий бойликлар (тош, мармар, ганч, кимматбаҳо минераллар, руда материаллари ва бошқалар ҳамда йирик дарёлар воҳасидаги суғорма ҳосилдор ерлар) илк қадимги даврлардаёқ бу минтақада “Чор унсур” элементларига асосланган қадимги ўтроқ деҳқончилик маданиятининг яратилишига ва ўзига

хос шаҳарсозлик, меъморий-бадий, ишлаб чиқариш маданияти ва муҳандислик- қурилиш санъатининг шаклланишига асос солган.

4. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳудудидаги архитектура ва муҳандислик санъатининг ўзига хослиги ва яхлит воқелигини бу ўлкада яшовчи халқлар ҳаёти ва тақдирларининг ўзаро тарихий боғлиқлиги, умумийлиги, бир-бирига ўхшаш ва яқин бўлган жиҳатлари, ижтимоий ривожланиши ҳамда табиий-иқлим ва қурилиш шароитлари билан тушунтириш мумкин.

5. Марказий Осиё халқлари, шу жумладан Ўзбекистон, Кичик Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маданий алоқалари ва ўзаро таъсирлари туфайли “Чор унсур” таълимотининг бундай кенг географик ҳудудларга тарқалганлиги бу ўлкаларнинг узок ўтмишдан бошлаб маданий ҳаётида, архитектура ва санъатида, қурилиш ишларида муайян узвийлик ва анъанавийликни вужудга келтирган.

6. “Чор унсур” таълимотига асосланган экобиологик ва моддий уйғунлик, яъни тупроқ, сув, ҳаво ва нур (куёш) орасидаги уйғунлик кенг маънода тушуниладиган коинот ва ундаги сайёралар ҳаракатидаги уйғунликни, бу эса ўз навбатида шунга мос равишда ердаги экологик тизимни ва унга асосланган инсоният жамиятининг турмуш ва яшаш шароитларини мослаштириш билан боғлиқ глобал уйғунлашув тизимини вужудга келтирганки, бу воқелик биринчи навбатда инсониятнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик амалиётида ўз аксини топган.

7. Меъмор тупроқ, замин ва ернинг ҳолатини, ҳовонинг намлигини, иссиқ-совуқлигини, шамолнинг ҳаракат йўналиши ва кучини, уфқ томонларини, маҳаллий ва арзон қурилиш материалларини, ернинг зилзила кучини ҳисобга олиши зарур бўлган. Аввал бошдан “Чор унсур” таълимотига асосланган энг оддий фуқоровий иморатлар: чорустун, чортоқ, чордара, чорсулар шаклланган. Кейинчалик бу таълимот шаҳарсозлик ва боғ-истироҳатчилик амалиётига ҳам кўчганки, уларда чорбоғ, чорвоғ, чорчаман,

чорховуз, чорминор, чорраҳа каби структуравий шаҳарсозлик шакллари вужудга келган. Таъкидлаш жоизки, бу шакллар ва композициялар кўпроқ Ўрта Шарқ халқлари анъанавий меъморчилиги ва шаҳарсозлиги амалиёти ва назариясига хос умумий тушунчалардир.

8. Универсал ўлчов бирлиги “газ”га асослаган меъморий лойihalаш услуги, яъни миқёсий квадрат катакчалар тўрига, бошқача айтганда модулга асосланган лойihalаш ҳам Шарқ халқларига хос уйғунлаштириш тизими – Чор унсурга боғланган. Бу усул ёрдамида лойihalаланаётган бино ва иншоотларнинг меъморий қисмлари ва ўлчамлари ўзаро уйғун, шаклнинг мутаносиб ва қурилишга осон ҳолатига келтирилган. Миқёсий тўр устига чизилган ҳар қандай иморат тарҳи симметрик мужассам, яхлит ва ихчам меъморий композицияни ташкил қилган.

9. Ана шундай миқёсий катаклар тўри устига ишланган нафақат бино тарҳи, балки иморат безаклари ҳам мутаносиб, шаклан уйғун ва яхлит композициялар ҳосил қилган. “Чор унсур” таълимотига асосланган меъморий безаклар ичида энг асосийси бу “чоркалид” бўлиб, у дунё ва олам ҳаракатининг тўхтовсизлигини, бутун дунё асосини ташкил қилувчи тўртунсурнинг яхлитлигини ва уларнинг узлуксиз ўзаро таъсир кучида эканлигини эслатувчи илоҳий шаклдир. Шарқ халқлари хос “Чор унсур” таълимотининг анъанавий меъморчилик ва шаҳарсозликдаги ана шундай кенг ўрни ва ролидан келиб чиққан ҳолда замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик амалиётида ушбу таълимотдан унумли фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни тавсия ва тиклиф қиламиз:

- замонавий боғ-паркчилик санъатида миллий қадриятларни қўллаш учун анъанавий чорбоғ, чорчаман, чортоқ, чорховуз каби меъморий режавий ва бадий композициялардан фойдаланиш;

- очиқ муҳитлар ландшафти ва ташқи ободонлаштириш элементларини шакллантиришда чорчаман, чорчинор, чорховуз ва чортоқ композицияларидан кенг фойдаланиш;

- меъморий лойихалашда “Чор унсур” таълимотига хос уйғунликни, яхлитлик ва мутаносиблик қонуниятларини қўллашни амалга қўйиш ва қонуний меъёрлаштириш.

И.А. Каримов Имом ал-Бухорий мажмуаси лойиҳасини энг биринчи муҳокамасида ажойиб бир методологик масалани ўртага қўйган эди. Унда ислом дини Арабистонда юзага келган бўлсада унинг моҳиятини Мовароуннаҳрлик ал-Бухорий, ат-Термизий, Мотуридий, Бурхониддин Марғилоний сингари буюк алломалар очиб берганлиги сингари мусулмон меъморчилигининг эстетик ва фалсафий ғоялари мана шу алломалар илмий мероси асосида шаклланганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ғарбда “ислом Уйғониш даври” деб ном олган бу давр илмий меросини яратган ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, Ибн Сино сингари алломалар яратган маънавиятни қайта тиклашимиз керак: Биз меъморчилик тарихини шу фикр асосида қайта кўриб чиқишимиз зарур. Демак, маданий меросни шаклланиши, унинг теранлиги ҳақидаги маълумотлар янги материаллар билан тўлдирилиши ва Президентимиз кўрсатиб ўтган файласуфона фикр асосида қайта кўриб чиқилмоғи шарт. Унинг ғоявий негизини кўп мингйилликлардан бери ягона давлатчиликка асосланган ўзбек халқи анъаналари, мустақилликнинг ривожланиш тамойиллари, миллий истиқлол ғояси ва умуммиллий илғор замонавий анъаналар ташкил этиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ижтимоий-гуманитар адабиётлар, Давлат қонунлари ва фармойишлар

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият - енгилмас куч - Тошкент, 2008.
2. **Каримов И.А.** Амир Темур ҳақида сўз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996.
3. **Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ.// Мулоқот журнали, 1998 йил 6-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги Қонуни.- Т.,2003.

Тарихий ёзма манбалар

5. **Вождид Али.** Фаннинг келиб чиқиши ва техника билимларининг тўплами. (Форс тилида).- Исфохон, 2001.
6. **Форобий Абу Наср.** Фозил одамлар шаҳри.- Тошкент, 1993.
7. **Форобий Абу Наср.** Геометрик шаклларининг нафислиги ҳақидаги маънавий гўзал усуллар ва табиий сирлар китоби.- Тошкент, 2006.

Махсус адабиётлар

8. **Алимов Ў.** Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи.- Тошкент,1984.
9. **Ахмедов М.К.** Меъморчиликда мутаносиблик бўлса. – Совет Ўзбекистони санъати, №8, 1979.
10. **Ахмедов М.К.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент, 1995.
11. **Ахмедов М.Қ., Салоҳиддинова Д.З.** Ўрта асрлар жамоат бинолари ҳовлиларининг шаклланишида “Чортоқ”нинг ўрни. // Меъморчилик ва қурилиш муаммолари, №3, 2007. 19-23 б.

12. **Бакланов Н.Б.** Архитектурные чертежи узбекского мастера.// Материалы по истории архитектуры народов СССР.- Москва, 1944.
13. **Воронина В.Л.** Средневековый город арабских стран. - М., 1991.
14. **Зохиров П.Ш.** Зеб ичра зийнат.-Тошкент, 1994.
15. **Крюков К.С.** Пропорции в архитектуре.- Ташкент, 1995.
16. **Навоий асарлари луғати.** – Тошкент, 1972.
17. **Норкулов Н.** Бобоколонлар шахри. – Фан ва турмуш, №9,1990.
18. **Пугаченкова Г.А.** Среднеазиатские сады.// В книге «Сокровищницы Среднего Востока».-Москва, 1996.
19. **Пўлатов Х.** Шаҳарсозлик тарихи.- Т, 2008.
20. **Ремпель Л.И.** Изобразительный канон и стилистика форм на Среднем Востоке. В сб. «Проблемы канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки».- М.,1973.
21. **Сирожиддинов И.** Муқаддас “Чор унсур” фалсафаси. –Мулоқот журнали, №5, 1991.
22. **Sirojiddinov Sh.** Islom falsafasiga kirish: Kalom ilmi. -, 2008.
23. **Сулаймонова Ф.** Шарқ ва Ғарб. – Тошкент, 1997.
24. **Сурина М.О.** Цвет и символ в искусстве, дизайне и архитектуре.- М., 2006
25. **Умаров Э.** Эстетика . – Тошкент, 1995.
26. **Уралов А.** Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. – Самақанд, 2005.
25. **Уралов А., Юсупов Р.** Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги таълим-тарбия ва илм –фан масканлари.- Самарқанд, 2007.
28. **Уралов А.С.** Ижтимоий фанларни ўқитишда “Чор унсур” таълимотининг роли ва ўрни.// Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2007.
29. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т.9.-Т., 2005.
30. Ўзбек миллий энциклопедияси. – Т.10.-Т., 2006.

31. Юлдошева Ш. Ўрта аср меъморчилиги назарияси тарихидан. //

Магистрантларнинг илмий анжумани материаллари.- Самарқанд:
СамДУ, 2007. -53-56 б.

**“Чор унсур” билан боғлиқ меъморий атамаларнинг
изоҳли луғати**

Чор-дарчор – Тўрт устига, саккиз қирали шакл.

Чотма - Чайла, овчилар капаси.

Чорсу – Тўрт кўчанинг бирлашган жойи; икки кўча бир-бирини кесиб ўтган бозор ва обод жой, обод майдон; кўчалар кесишган жойдаги савдо иншооти, бозор.

Чорхона – Тожикистоннинг тоғли бодохшон вилоятида том баланд қилиб ёпиш учун ёғочдан қурилган гумбаз. Квадрат шаклида мустаҳкамланган тўсиқлар юқори сари кичрайтирилиб устма-уст диаганал ҳолда ўрнатилади ва ўртаси очик қолдирилади. Мазкур том қурилмаси Дарвозда “давр” дейилади.

Чорбоғ-атрофи девор билан ўраб олинган қўرғонли боғ. Амир Темур ва темерийлар даврида Самарқанд атрофидаги шоҳона чорбоғлар хушманзараси, кўшқу айвонлари билан машҳур бўлган.

Чордара (чор-тўрт, дар-эшик)- тўрт тарафида эшиги бўлган тўртбурчак хона тури. Самарқанддаги Бобур қурдирган Чилсутун сарой болохонаси чордара усулида қурилган.

Чордевор-тўрт томони девор билан ўраб олинган хона, ҳоли манзил.

Чорзамин-ироқи ва муқарнасдан таркиб топган равоқ ичт беағи.

Чорпоя-тўрт оёқли ва панжарали катта ёғоч каравот, сўри.

Чорраҳа (чор-тўрт, роҳ-йўл)- йўللарни кесишган жойи; тўрт тарафга кетадиган кўчалар маркази.